

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
МАКРОИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ**

**“Маҳаллий бюджетларнинг шаклланиш амалиётини
такомиллаштириш”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” таълим йўналиши 4-курс талабаси Жамолов Э.

Илмий раҳбар:

кат. ўқит. Рахматова Н.А.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси « _____ » _____ 2014 йил

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИНГ МОҲИАТИ, ТУЗИЛИШИ ВА МАМЛАКАТ МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ РОЛИ	
1.1. Маҳаллий бюджет, унинг моҳияти ва аҳамияти	7
1.2. Маҳаллий бюджетнинг таркибий тузилиши	20
1.3. Маҳаллий бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлашнинг хориж тажрибаси	38
II БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
2.1. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш асослари.....	46
2.2. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет даромадларини шаклланиш ҳолатини таҳлили ва муаммолари	52
2.3. Маҳаллий бюджет харажатлари таркибини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўллари	60
ХУЛОСА	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш ва маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бажарилишини талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жихатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир: биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки ҳудудий иқтисодиёт доирасидаги муаммоларнинг кескинлашувига йўл қўймаслик ва иккинчидан, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда уларни имкониятларини яхшилашнинг зарурлиги. Ушбу ҳар икки жихатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Жойларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини муваффақиятли ва молиявий инқирозларсиз ҳал этиш маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлигини, шу жумладан, улардаги инвестицион, солиқ, валюта имкониятларининг бир текис тақсимотини талаб этади ва бу нисбатдошликда ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги рағбатлантирилиши лозим»¹.

Маҳаллий бюджетлар Давлат бюджетининг асосини ташкил этганлиги учун маҳаллий бюджетлар даромадларни ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига жуда катта хисса қўшиш билан бир қаторда халқимиз фаровонлигининг ошишига ҳамда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига тезроқ қўшилишига ёрдам беради.

¹ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз // Қишлоқ ҳаёти. 2004 й. № 20 (6701). 2 б.

Мазкур вазифаларни самарали бажариш, аҳоли турмуш даражасининг ўсиб боришига эришиш ва унга кишиларнинг муайян талабларига қараб ижтимоий имтиёзлар бериш масаласи ваколатлар ва масъулиятни турли поғонадаги ҳокимият органлари ўртасида асосли равишда тақсимлашни талаб қилади. Ҳокимият ваколатларини мақсадга мувофиқ равишда тақсимлаш давлат харажатларини камайтириш ва аҳоли иқтисодий талабларини тулароқ қондиришга имконият беради.

Ушбу мулоҳазалар маҳаллий бюджет маблағларининг шаклланиш амалиётини такомиллаштиришга асос бўлади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджет маблағларининг шаклланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий–амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Тадқиқот ишининг асосий мақсади иқтисодиётини модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиш амалиётини такомиллаштириш йўллари аниқлашдан иборатдир.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси. Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиянинг зарурлиги ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- бюджет тизимида маҳаллий бюджетнинг тутган ўрнини ва самарали йуналишларини аниқлаш;
- маҳаллий ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган молия ресурсларинидан оқилона фойдаланиш борасида таклифлар киритиш;
- бюджет тизими ва уни бошариш ҳолатини урганиш ва такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш;
- маҳаллий бюджет тизимида хазиначилик фаолиятининг урни ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш
- маҳаллий бюджетлар даромадлари, харажатлари ва уларни башорат

қилиш борасида такомиллаштирилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- маҳаллий бюджетларнинг барқарорлаштиришда бюджетни прогноз қилиш асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий бюджет муаммолари, унинг ўтиш давридаги ўзига хос хусусиятлари масалалари МДХ иқтисодчи олимларидан Ковалева А.М., Дробозина А.А., Романовский М.В., Врублевская О.В., Абрамова М. А., Александрова А.С., шунингдек республикамизнинг шу соҳа олимларидан А.Кодиров, Х. Собиров, О.Жуманов, Э.Гадоев ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмоқдалар.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб, маҳаллий бюджет муносабатлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети бўлиб, маҳаллий бюджетни шаклланишида вужудга келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, молия соҳасида бажарилган чет эл ва республикамиз етакчи олимлари асарлари услубий манбалар бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиянинг зарурлиги ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- Минтақани ривожлантиришга қаратилган бюджет ресурсларинидан оқилона фойдаланиш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;
- Бюджет тизими ва уни бошқариш ҳолатини урганиш ва такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Маҳаллий бюджетлар даромадлари, харажатлари ва уларни башорат қилиш борасида такомиллаштирилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқотнинг натижалари назарий ва амалий аҳамиятга эга. Чет эл тажрибаларига асосланган ҳолда, республикамиз ва маҳаллий бюджет муносабатларини ривожлантириш борасида амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

Малакавий иш натижаларидан маҳаллий бюджет тизими фаолиятини яхшилашда, бюджет даромадлари ва харажатларини таҳлил этишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Молия», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Пул, кредит ва банклар» фанларидан дарс ўтиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, предмети ва объекти ўз ифодасини топади.

Биринчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва аҳамияти ёритилади.

Иккинчи бобда ҳозирги замон бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг роли очиб берилади ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлари, харажатлари, кўриб чиқилган, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг харажатлари таркибини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўллари ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Хулоса қисмида бажарилган битирув малакавий ишнинг натижалари бўйича хулосалар қилиниб, илмий ва амалий тавсиялар берилади.

I.БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИНГ МОҲИАТИ, ТУЗИЛИШИ ВА МАМЛАКАТ МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ РОЛИ

1.1 Маҳаллий бюджет, унинг моҳияти ва аҳамияти

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисми ташкил этади ва маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тулароқ, қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларининг бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий бюджет даромадларининг купайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши вазифаси юклатилади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов «Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим»² дея қз фикрларини билдирган. Иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хужалик захираларини сафарбар қилиш, мабларларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан бевосита борлик булади. бу эса уз навбатида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижросини таъминлашга ёрдам беради.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади. 2004 йилда маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимининг асосий қисми сифатида узида 218 мустақил бюджетларни мужассамлаштиради.

Маҳаллий бюджетлар орқали халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасаларини, маҳаллий ҳокимият бошқарув органларини, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафакалар молиялаштириб борилади.

² «Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура» Тошкент: Ўзбекистон. 1996 й.

Мустакилликка эришилгандан сунг кабул (1992 йил 8 декабрь) килинган қонунларимиз катори асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 - боб 122-моддасида «Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат» ва 123-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли»³ деб қўрсатилган.

Бундан ташқари қонунимизнинг 15-боби, яъни республиканинг маъмурий иқтисодий тўғрисида 68-моддасида «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборатдир» дейилган,

Иқтисодий қонунимизни тартибга солиш, рағбатлантириш халқ, манфаатларини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилаётган солиқ қонунчилигимизнинг асосий манбаи бўлган қонунимизнинг 11 - боби 51 - моддасида "фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тулашта мажбурдирлар" деб таъкидланганидек давлатимиз фуқаролари ўзларининг қонун олдидаги бурчларини ҳам тобора маъсулият билан ҳис қилишмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки қўнлариданок қабул қилинган солиқлар қўнтрисидаги қонунларимиз ҳам инсон ҳуқуқлари ва бурчларини ҳимоя этишлигини ўзида тулик мужассамлаштирилганлигини ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига монандлигини қўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100 - моддаси 4 - бандида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва уни ижро этиш маҳаллий солиқлар, йиғимларини белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш" вазифаси берилган. Шу билан маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет соҳасидаги,

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: «Адолат». 1992 й.

солиқлар ва йигимлар жорий этиш борасидаги фаолиятининг конституциявий асоси урнатилди.

Конституцияга асосан маҳаллий ҳокимиятлар узларининг бюджет ва бюджетдан ташкари фондларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг моддий базасини яратиш ва ривожлантирилиши зарурдир.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий, бюджет ва солиқ; ҳуқуқлари ривож, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 2 сентябрдаги қонунида ўз ифодасини топди. Ушбу қонуннинг 11, 12, 13 – моддалари бевосита вилоят, туман, шаҳарларнинг молиявий ресурсларига, халқ депутатлари кенгаши ва ижро ҳокимиятининг бюджетга доир ҳуқуқлари ҳамда вилоят, туман, шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромад манбаларига багишлангандир.

Ушбу қонунда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ресурслари бевосита бюджет маблағлари, бюджетдан ташкари фондлардан, шунингдек юқори бюджетлардан берилган субвенция ва дотациялардан ташкил топиши белгилаб берилган. Шу билан биргаликда ушбу Қонунда Халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллий бюджетларни ва уларнинг ижросини тасдиклаш ҳуқуқи белгиланган.

Қонунга асосан маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, унийғ ижроси Ҳокимлар раҳбарлигида амалга оширилади. Бюджет лойиҳаси Ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва харажатлар йуналиши курсатилган ҳолда кенгашга тавдим этилади. 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни бюджетини янада такомиллаштириш бўйича амалган оширилган ислохотларнинг натижаси бўлди. Ушбу қонуннинг 18-19 ва бошқа тегишли моддаларида маҳаллий бюджетлар тўғрисида сўз юритилади. Юқорида барча ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий бюджетларни ташкил қилиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетларни даромадларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 18- моддасига асосан амалга оширилади. Ушбу моддага асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари даромадларнинг шаклланиш манбаларига асосан белгиланган. Шунга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари:

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга утказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек туловлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар;
2. Қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йуналтириладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари, шунингдек мажбурий туловлар ҳамда бошқа умумдавлат тушумлари;
3. Қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат мулкани жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига утган пул маблағлари;
5. Бюджет субвенциялари, дотациялари ва юқори бюджетлардан бериладиган ссудалар;
6. Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган кайтарилмайдиган пул тушумлари;
7. Қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Шунга мувофиқ, маҳаллий бюджетлар даромадлари ўз даромадлари (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар) ва юқори бюджетдан ажратиладиган ажратмалар (умумдавлат солиқларидан ажратмалар, дотация ва субвенциялар) ҳисобидан шаклланади.

Умумдават солиқларидан ажратмалар улуши хар йили маҳаллий бюджетларнинг уз даромадларининг тушуми х;амда улар томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг микдорига караб узгартириб борилади.

Умумдават солидларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг уз даромад манбалари (солиқлари) купайиб колса, республика солиқларидан ажратма беришнинг хожати колмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, бюджетга туланиши лозим булган туловлардир.

Маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий химоя килиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи хисобланади. Қарийиб аҳолини ижтимоий химоя килиш харажатларининг 100 фоизи маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади. Ўзбекистон Республикаси давлатининг мустакилликка эришиши ва ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти сари йул тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли янада ошди. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ушбу масалаларга катта эътибор қаратилди. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишидаги ушбу йуналишни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: "Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустахкамлаш зарур. Бу аса минтакалар мустакиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги маъсулиятини оширишга имкон беради. Бундан ташқари бу нарсa маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини кидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустахкамлайди"⁴

⁴ И.Каримов "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Тошкент: "Ўзбекистон" 1995 й.

Юртбошимизнинг сўзларидан шу нарсани маълумки, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида юксак натижаларга эришишда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари муҳим урин эгаллайди

Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳиятига тухталадиган бўлсак уларнинг моҳияти унинг вазифаларида намоён бўлади. Улар:

- маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг молиявий таъминоти учун пул фондларини шакллантириш;

- бу фондларни халқ, хужалиги тармоқдари уртасида таксимлаш ва фойдаланиш;

- ушбу ҳокимият органлари бошқарувида булган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий хужалик фаолиятини назорат қилиш вазифаларини бажаради. Ушбу вазифаларни бажариш учун эса етарли манба бўлиши шарт.

Маҳаллий бюджетлар умумдават иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда давлат маблағларини таксимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу маблағлар туман, шаҳар бюджетларини уз ичига олувчи маҳаллий бюджетлар тизими орқали утади.

Бюджет тизими бугинлари уртасида умумдават пул ресурсларини таксимлаш асосида маҳаллий бюджетлар мустақиллиги ва уларни давлат томонидан молиявий куллаб-қувватлаш тамойили ётади. Улардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетлар тартибга солувчи даромад манбалари ҳисобига шакллантирилади.

Маҳаллий бюджетлар давлат бюджети тизимида асосий ўринни эгаллайди. У Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради. Булар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллий бюджетларидан иборат.

Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бириктирилган даромадлар асосий манба ҳисобланмайди. Маҳаллий ҳокимият органларини ўз даромад (бириктирилган даромад) манбаларининг ҳажми қизиқтиради. Улар хўжалик ташаббускорлигини кенг намоён қилади ва бюджет тўловларини амалга оширишга ҳаракат қилади.

1.1.1-жадвал

Маҳаллий бюджетлар даромадлари динамикаси⁵

Ҳудудлар	2000	2005	2010	2011	2012
Қорақалпоғистон Республикаси	17,1	53,7	244,8	311,9	356,8
Андижон	28,1	86,4	348,2	420,7	536,4
Бухоро	33,7	110,0	478,1	595,9	636,7
Жиззах	9,6	31,4	135,1	158,4	208,2
Қашқадарё	41,0	182,0	772,7	1093,4	1 147,9
Навоий	19,3	73,9	280,4	341,7	379,7
Наманган	22,0	75,8	257,5	346,1	445,3
Самарқанд	33,0	134,3	368,7	495,0	617,3
Сурхондарё	17,9	68,3	273,4	304,3	398,9
Сирдарё	11,9	48,5	154,4	172,0	227,4
Ташкент	39,9	167,1	636,9	827,7	1 025,7
Фарғона	43,4	199,4	813,3	967,5	1 124,2
Хоразм	21,1	65,7	222,5	276,6	349,2
Ташкент ш.	68,8	204,2	777,7	979,4	1 206,9
Жами	406,8	1500,6	5763,7	7290,6	8 660,6

Маҳаллий бюджетларнинг доимий ўсиб бормаслиги маҳаллий бюджет маблағларини қоплаш зарурлигини келтириб чиқаради. Республикамизда бу

⁵ www.mf.uz/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

зарурият асосан тартибга солувчи даромадлар, яъни юқори бюджет манбаларидан бериладиган маблағлар ҳисобига бажарила бошланган.

Маҳаллий бюджетлар балансланган даромадлар ва харажатлар тизимига эга булиши зарур, Маҳаллий бюджетларнинг ҳақиқатдаги тақчиллиги булиши мумкин эмас.

Маҳаллий бюджетлар учун:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кузда тутилмаган манбалар ҳисобига уз бюджетларини тулдириш ёки мақсадли фондлар ташкил этиш;

2) Бюджет ссудаларидан ташқари бошқа ҳар қандай қарз омилларини амалга ошириш;

3) Бюджет қонунчилигида кузда тутилган ҳолатларда уз бюджет харажатларининг тасдиқланган ажратмалардан ортиб кетишига йул қуйиш;

4) Бошқа шахслар фойдасига молиявий қафолатлар ва васийлик хатлари бериш;

5) Юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудаларини бериш тақикланади.

Бундан ташқари бошқарувнинг иқтисодий усуллари тизимида маҳаллий бюджетлар асосий урин тутади. Улар алоҳида олинган ҳудуднинг комплекс ривожланишини таъминлашда, энг мақбул ҳудудий қайта ишлаб чиқариш нисбатларини урнатишда ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда фаол роль уйнайдилар.

Бошқа иқтисодий категориялар сингари маҳаллий бюджетлар ҳам давлат ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун фойдаланилади. Бошқарувнинг иқтисодий воситаси сифатида улар:

биринчидан, ҳудудий ишлаб чиқаришнинг барча томонларига тавсиф беришнинг кенг миқёси;

иккинчидан, мазкур иқтисодий категориянинг қайта тақсимловчилик хусусияти сабабли таъсир этишнинг юқори даражаси;

бошқарув бюджет усуллари тизимининг маълум бир вақтда эмас, балки маҳаллий бошқарув органларини ривожлантириш мақсадлари ва масалаларининг узғариб туришига мувофик дастаклар тизими орқали доимий равишда шакллантириб борилишидан келиб чиқадиган эгилувчанлик хусусияти билан кўзга ташланади.

Маҳаллий бюджетлар янги бюджет тузилиши шароитларида бюджетлараро муносабатларни таъминловчи узига хос иқтисодий категориядир ҳамда муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташкил этиладиган пул маблағлари фондларининг шакллантирилиши, тақсимланиши, ишлатилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг мувофиклигини ҳам билдиради.

Ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетларни шакллантиришда асосий эътиборни мамлакат тараккиётининг алоҳида босқичларида маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги зиддиятлар манбаларини ажратиб кўрсатиш ва урганиш имкониятини берувчи маҳаллий бюджетларнинг пайдо булиши ва шакллантирилишининг тарихий ривожини таҳлил этишга қаратиш лозим.

Маҳаллий бюджетлар бошқарувнинг иқтисодий усули сифатида бюджет муносабатларини қайта тақсимлаш характери билан боғлиқ ўзига хос хусусиятга эгадир. Ҳеч қандай категория молиявий ресурсларни шунчалик кўп қиррали ва кўп даражали қайта тақсимлашда маҳаллий бюджетлар тизими каби иштирок этмайди. Маҳаллий бюджетлар тизими орқали ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда бюджет дастакларининг таъсир этиш амалиётини ва куламларини белгиловчи халқ хужалиги тармоклари, ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари, аҳолининг турли қатламлари ўртасида маблағлар тақсимооти амалга оширилади.

Маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлашда улар ихтиёрига берилган маҳаллий солиқлар ва йигимлар бўйича тадбирлар муҳим урин тутади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий бюджетлар

маҳаллий солиқлар ва йигимларни ташкил этиш ва бошқаришда мустакил булсаларда, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тегишли меъёрлар доирасида фаолият юритадилар. Маҳаллий бюджетлар (республикамик мисолида) амалиётидаги муҳим хусусият бюджет тизими тўғрисидаги қонунда белгиланганидек, маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмаслигидир. Давлат молия сиёсатида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг баланслиги республика бюджети субсидиялари орқали қафолатланмоқда.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва ҳудудий муаммоларининг ҳал этилишида маҳаллий бюджетларнинг роли шунда намоён бўладики, у ёки бу ҳудуд молиявий ресурслари балансида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари марказий урин тутати. ҳудудлар молиявий ресурслари таркибида маҳаллий бюджетлар мабларлари қатори бюджетдан ташқари махсус фондларнинг жойлардаги бўлимлари маблаглари, давлат мулки заминидаги корхоналар молиявий ресурслари ҳамда давлат кредити майдонга чиқади.

Иқтисодий мустақиллик ҳақида маҳаллий бюджетлар даромад базасининг ўсиши ёки бюджет параметрларининг олдинги йилларга нисбатан умуман ўсаётганлиги орқалигина ижобий ҳулоса чиқариб бўлмайди. Бунинг учун курсаткичларнинг ўсиши билан бирга бириктирилган даромадлар ўлушининг ўсиши динамикаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган бюджет ресурслари миқдорининг ўртиши ҳамда инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, реал инвестиция ҳажмининг ўртиши ва шунга боғлиқ ҳолда иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш суръатларида ҳам сезиларли ўсиш кузатилиши лозим.

Маҳаллий бюджетларга республика бюджетидан бериладиган ажратмалар иқтисодий мустақиллик даражасига у қадар салбий таъсир курсатмайди. Унинг қулаи ва таъсир доираси донор ҳудудлар ёки репициент ҳудудлар имқониятларига боғлиқ.

Маҳаллий бюджетларни шакллантириш асосларининг тахдили маҳаллий бюджетларни келгусида ривожлантиришнинг:

- ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиялаштиришда ҳамда мазкур ҳудудга жалб этиладиган даромадларнинг умумий ҳажмида маҳаллий бюджетлар таъсирини ошириши;

- ҳудудий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кучайтириш билан бевосита боғлиқ даромадлардаги маҳаллий солиқлар тизимини изчил, такрор йуналтириши, жумладан, маҳаллий ресурсларнинг тулик ва самарали ишлатилиши, маҳаллий ҳокимият органларининг хужалик ташаббускорлиги, жавобгарлиги ва мустакиллигини фаоллаштириш;

- алоҳида олинган ҳудуддаги барча ҳиҷалик юритувчи субъектларнинг маҳаллий бюджет олдидаги уз мажбуриятларини тула микёсда бажариш учун қайси бошқармага қарашли бўлишидан қатъий назар, барча қорхоналар учун маҳаллий бюджетларга маҳаллий солиқларни топшириш шарт-шароитларини тулик тенглаштириш;

- бошқа ҳудудларда жойлашган қорхоналарнинг мазкур ҳудуддаги филиаллари, цехлари, участкаларининг ҳудудий ресурсларидан фойдаланиши ва бот ташкилотнинг ишчилар микдорига нисбатан оладиган фойдасини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий солиқларнинг барча турларини тулик қамраб олиши;

- маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришнинг солиқли манбаларини солиқсиз қарактердаги тушумлар (маҳаллий қарзлар амалиёга, қредит тазими ресурслари қисмларини жалб этиш) билан янада қенгрок тулдириши ҳамда қатта улқамларда маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари маблаглар фондини шакллантириши, аниқ хужалик ва ижтимоий масалалар ечимида ҳудуд қорхоналаридан мақсадли шартнома суммаларини олиши ва ҳоқазо йуналишларини ажратиб қўрсатиш имқонини беради.

Солиқ механизми тушунқаси ва тарқибн. Механизм сўзи иқтисодиётга техникадан қириб қелган бўлиб, ундан фойдаланишни иқтисодиётга

солиқларнинг барча элементларидан фойдаланишни ифодалайди. Бу субъектив тушунча бўлганлигидан иқтисодий тамойилларнинг моҳияти билан эмас, балки давлатнинг хоҳиши билан боғлиқ бўлиб қолади. Давлат солиқ элементларининг истаган турини киритиши ёки бекор қилиши мумкин.

Солиқ механизми бюджет механизми таркибига киради. Солиқ механизми деганда солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган солиқларни ташкил қилишнинг барча элементлари йиғиндиси тушинилади. Бундай элементларга солиқ объекти, субъекти, манбаи, солиқ ставкаси, тўлов муддатлари, солиқ ҳуқуқи ва ҳужжатлари киради. Солиқ механизми солиқ тизимининг амалиётга тадбиқ этилишини ифодалайди.

Солиқ механизмини шундай такомиллаштирилиши лозимки, бюджетга солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида тушсин, улар бир вақтнинг ўзида товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кўплаб даромад олиш имконини берсин, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, қатъий валюталарга эга бўлсин. Ҳозирги вақтнинг солиқ сиёсати солиқ механизмининг ана шу йўналишда такомиллаштириб бормоқда. Бу эса бозор иқтисодиёти талабларига мос тушиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш имконини бормоқда.

Солиқ механизмига ўзгартиришлар киритилиб, такомиллаштириб борилади. Унинг тез ўзгартирилишига олиб келган қатор омиллар мавжуддир. Буларга пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий йўналиш жараёнида янги устувор йўналишларни белгилаш ва бошқа қатор янгиликлар киради.

Солиқларнинг асосий функцияси фискал хусусиятга эга эканлигидир. Солиқлар ёрдамида давлатнинг молиявий ресурслари ҳосил қилинар экан, мустақил иқтисодий асосга ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлиш учун кўпроқ манбалар яратилишга ҳаракат қилинади. Солиқларнинг иккинчи функцияси ишлаб чиқариш шароитларини, товарлар ва хизматларнинг сотилишини изга солиб боради, иқтисодий фаолият учун муайян “солиқ иқлими” яратилади. Солиқларнинг иккала функцияси иқтисодий майдонда бир-бирига қарама-қарши қутубда фаолият олиб борса ҳам, лекин доимо бири бирини тўлдириб

туради. Ҳар қандай солиққа албатта иккала функция учун ҳам таълуқли бўлади. Мисол учун мулк солиғини олайлик. Молиявий манба сифатида у ўзининг фискал вазифаси орқали давлат хазинасини бойитса, иқтисодий функцияси жиҳатдан шу солиқ туридан жамланган молиявий манба орқали бюджетдан маблағ олувчи турли истеъмолчилар томонидан қонуний равишда ўзлаштирилиб, келгуси давр учун инвестиция орқали иқтисодий ўсиш учун замин яратади.

Солиқлар давлат билан турли мақомдаги шахс ўртасидаги бирини ҳақ тўлаши эвазига иккинчисини шу олган ҳақи ҳисобига ҳақ тўлаганни мавжуд бўлишига, яъни фаолият олиб боришига кафилидир. Бу соҳада шартномалар бўлмайди. Буларнинг барчаси мамлакат конститутцияси (агар мавжуд бўлса) ёки шу соҳага оид қонунлар орқали амалга оширилади. Солиқ тўловчи ҳам, солиқ олувчи ҳам белгиланган қонунларга амал қилиниши талаб этилади. Акс ҳолда иккала субъектлар орасида келишмовчилик юзага келади. Биринчиси тўлашдан қочса, олувчи томонидан белгилаган солиқ миқдорини тўлиқ тушириш мақсадида кўпроқ харажатларни амалга ошириши мумкин. Амалга оширилган харажатлар ўз вақтида жами ижтимоий маҳсулотнинг таркиби қисми саналиб миллий даромадни камайишига олиб келади. Агар иккинчиси кўпроқ ундириши пайида бўлса, солиқ тўловчи тўловдан қочади турли ноқонуний йўллар қўллай бошлайди. Бу ҳам ўз навбатида давлат томонидан белгиланган режаларни амалга ошириш учун етарли маблағ тўплай олмаслиги иқтисодиётни назорат қила олмаслигига олиб келади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳосил қилинган жамғарманинг 85 % истеъмолга айланмоқда.

Ҳозирги кундаги бюджетлар олдидаги асосий вазифа бюджет даромадларини манбасини яратиш ва уни таъминлаш ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар манбасини мустаҳкамлаш учун ҳозирги кунда ҳам бизда иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Бу жараён давом этиши муқарардир. Чунки нафақат эндигина бозор муносабатларига

асосланган иқтисодий муносабатларни шакллантираётган Ўзбекистон иқтисодиётида балки ҳар қандай давлатда солиқ тизими ўзгариб бори, ривожланади ва тинимсиз такомиллашиб боради.

1.2. Маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланишини назарий асослари, таркиби ва механизми

Юқорида айтиб утилганидек ҳудудларда маҳаллий бюджет даромадлари ҳудуднинг узига бириктирилган солиқлардан, тартибга солувчи умумдавлат солиқлардан ажратмалар ҳисобига ва юқори бюджетлардан бериладиган дотация ва субвенциялар ҳисобига шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари томонидан харажатларни амалга ошириш учун даромадларга эга бўлиши керак. Шунинг учун Маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишининг амалдаги ҳолати ва ушбу жараёндаги даромад манбаларини таҳлил қиладиган бўлсак авваламбор даромадларнинг шаклланишига эътибор бериш лозим. Маҳаллий бюджет даромадларининг манбалари таркиби 1.2.1-чизмада кўрсатилган.

1.2.1-чизма.

Маҳаллий бюджет даромадларининг манбалари таркиби⁶



⁶ Турли манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бириктирилган даромадлар термини ушбу маблағларни юридик жихатдан бюджет ҳуқуқи субъектига тегишли эканлигини, яъни ушбу даромадларни тўлиқ доимо ёки узоқ муддатга тегишли бюджетларга беркитилиб қўйилганлигини англатади. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар маҳаллий солиқ ва йигимлар ҳамда янги бюджет йили учун давлат бюджетини тасдиқлаш мобайнида маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлардаи ташкил топади. Бириктирилган даромадларнинг асосий қисмини маҳаллий солиқлар ва йигимлар ташкил қилади.

Маҳаллий солиқлар ва йигимлар маҳаллий бюджетлар таркибида биринчи молиявий манба сифатида қаралса ҳам бу солиқлар ва йигимлар маҳаллий бюджетга бириктирилган харажатларини молиялашда етарли молиявий манба бўла олмайди.

Шу билан бирга, умумдавлат солиқларининг айрим турлари ҳам маҳаллий бюджетларни тулдириш манбаи сифатида маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарорининг 14-бандига асосан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг тегишли бюджетларга тушумларининг тулик ундирилиши ва тасдиқланган харажатларни ўз вақтида молиялаштирилиши бўйича жавобгарлигини ва маъсулиятини ошириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқларидан тушумлар тулик ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадига утказилган:

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
2. Экология солиғи ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқитларни жойлаштирганлик учун тулов;
3. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шугулланаётган тадбиркорлар даромадига солиқ;

4. Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадига белгиланган катъий солиқ;

5. Алькогол махсулотлари (этил спиртдан ташкари), пиво, усимлик ёғи, хужалик ва исли совунга белгиланган акциз солиги.

Маҳаллий бюджет даромадларининг яна бир манбаи бу тартибга солинувчи даромадлардир.

Республикамизда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини тартибга солиш мақсадида:

- қўшилган қиймат солиғидан;
- акцизлардан;
- корхоналар даромади (фойдаси)га солиқдан;
- жисмоний шахслар даромад солиғидан ажратмалар килинади.

Тартибга солувчи даромадлардан ажратмалар нормативлари юкори ҳудудий ҳокимият органлари томонидан маҳаллий бюджетлар харажатлари умумий суммаси ва уларнинг бириктирилган даромадлари ҳажмига қараб тасдиқланади.

Ҳозир ҳам республикамиз маҳаллий бюджетлари даромадларида ҳажми ва иқтисодий мазмуни бўйича асосий қ,ринни тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар эгаллайди. Уларнинг роли нафакат маҳаллий ҳокимият органларини молиявий ресурслар билан таъминлаш, балки маҳаллий бюджетларнинг юкори бюджетларга маблағлар сафарбар этишга кизикишини ва ҳудудлардаги ишлаб чиқариш сифатини ошириши билан ҳам белгиланади.

Маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг мавжуд тизимида бир канча афзалликлар бор. У маҳаллий ишлаб чиқариш даражасига қарамадан маҳаллий бюджетларни зарур мабларлар билан таъминлашга имкон беради, алоҳида ҳудудий бирликлар ривожланиши даражасини мувофиқлаштириш учун замин ҳозирлайди, маҳаллий ҳокимият органларини умумдавлат солиқлари режасини бажаришга рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари ва шунингдек Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджета даромадларида тартибга солувчи

солиқларнинг салмоги жуда каттадир. Булар қўшилган қиймат ва фойда, жисмоний шахслар даромадидан солиқларидир.

Тартибга солувчи даромадларни ҳажмини аниклашда маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари ва харажатларининг уртасидаги фарқни асос қилиб олиниши ажратма фоизларининг турлича булишига сабаб бўлмоқда. Чунки маҳаллий бюджетларнинг режалаштирилган бириктирилган даромадлари ва харажатларини баланслаштириш мақсадида ажратма фоизларини камайтиришга олиб келса, акс ҳолатда фоизларни ошишига олиб келади.

Хукумат умумдават солиқлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар ажратиш орқали маҳаллий ҳокимият органларининг ушбу солиқларни уз вақтида ва тўлиқ ундирилиб олишдаги манфаатдорлигини таъминлаш ҳам зарурдир. Чунки давлат бюджети даромад манбаи миллий даромад ҳудудларида яратилади. Шу сабабли миллий даромадни маҳаллий ҳокимиятлар уртасида оптимал тақсимланишига эришиш тартибга солувчи даромадларни миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Умумдават солиқларидан ажратмалар миқдорини вилоятлар бўйича турли хиллиги вилоятларнинг умумдават солиқларини йиғишдаги манфаатдорлигини турлича булишига олиб келади. Нисбатан иқтисодий паст ривожланган вилоятлар учун ҳам давлат солиқларидан ажратмалар миқдори 100 фоизгача белгиланган.

Бу билан давлат бир вақтнинг узида республика вилоятлари уртасида бюджет даромадлари борасида юзага келган нотекисликни ҳам горизонтал, ҳам вертикал ҳолатда ечишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда солиқ базаси катта вилоятлар учун ажратма фоизлари кам белгиланган ҳолатда, аксинча солиқ базаси кичик вилоятлар учун умумдават солиқлари 100 фоиз миқдорида қолдирилган.

Давлат бюджетининг асосий харажатларини маҳаллий бюджетлар харажатлари ташкил қилиши ва давлат узининг ижтимоий сиёсатини маҳаллий бюджетлар ёрдамида амалга ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий

ривожланишида нотекисликнинг катталиги давлат томонидан умумдават солиқларини катта қисмини маҳаллий бюджетлар ҳисобига беришга олиб келмоқда. Яъни давлат маҳаллий бюджетларни такчилсиз булишга интилиб келмоқда.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, муҳофаази таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган харажатлардан иборат бўлади. Ушбу умумдават харажатлари бюджет орқали молиялаштирилиши барчамизга аён.

Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланади, бу эса у ёки бу харажатни муайян бюджетга киритилишини аниглайди. Бу биринчидан молиялаштирилаётган муассасанинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқади.

Маҳаллий бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларида давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали таъсири тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз бериб туради.

Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромадидан ташкил топади. Харажатларни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу – давлат

манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларини айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, кредит очиш, кредитни чақириб олиш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон учун табиий ресурслар, сармояни жамғариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблағ – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, маориф, касбни қзгартириш, илмий тадқиқотларга сармоялар йўналтириш иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунда мамлакатимиздаги мураккаб демографик вазият ҳисобга олинади, аҳоли сони ўсишининг юқори суръатлари ва аҳоли таркибида ёшларнинг катта улушини ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳадаги муассасаларга маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қилади.

Шу муносабат билан давлатимиз ҳар йили ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун таълимнинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда маблағ ажратилишини кафолатлайди.

Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиявий таъминланмоқда. Ижтимоий-маданий тадбирларни қтказиш ва бюджет ташкилотларининг алоҳида харажатларнинг белгиланган меъёрларга асосан молиялаштириш ижтимоий-маданий тадбир харажатлари, аввало, лойиҳа параметрларига киритилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларининг лойиҳа параметрларида кам таъминланган болали оилаларга тқланадиган нафақалар ва аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар учун фарқни бюджетдан қоплаш билан ифодаланади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади,

жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рқёбга чиқади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рқёбга чиқади. Шунинг учун «молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ кидириб топилиши шарт».⁷

Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кафолатланади. Ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини молиявий таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маҳаллий бюджет орқали молиявий таъминлаш борасидаги муносабатлар иштирокчиларидан бири кредит муассасаси ҳисобланади. Кредит муассасасида бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар учун ҳисобрақам очилади. Кредит муассасаси бюджетни касса ижросида ва молиявий интизомга риоя этиш юзасидан назоратни амалга оширишда иштирок этади. Бюджет орқали молиялаштиришнинг учинчи иштирокчиси бўлиб бюджет маблағларини тақсимловчи бюджет ташкилоти ҳисобланади. У ўз корхонаси учун ажратилган бюджет маблағларини тасарруф қилади, уларнинг ўзидан қуйида турадиган тақсимловчиларга ўтказди.

⁷ Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Тошкент, «Ўзбекистон», 1996. 143 б.

Республикаларимизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;
2. Жорий бюджет трансфертлари шаклида;
3. Капитал харажатлар шаклида;

- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

4. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Худудларнинг фискал тарзда марказлашувини чеклашни таъминлаш, бошқача айтганда, уларнинг даромад салоҳиятини юқсалтириш минтақаларга муайян солиқ тушумларини бириктириб қўйиш ва бюджетлараро муносабатларнинг самарали механизмларини жорий қилиш (бошқариладиган солиқлар ва маҳаллий бюджетларнинг айрим харажатларини республика бюджети иштирокида молиялаштириш) йўли билан босқичма-босқич амалга оширилди.

Натижада Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 1996 йилдаги 54,1 фоиздан 2010 йилда 58,5 фоизга етди⁸. Бу, ўз навбатида, маҳаллий бошқарув

⁸ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010

идораларига қтказилган харажат ваколатларининг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлади. Агар 1992 йилда Ўзбекистоннинг аксарият минтақалари дотацияда бўлган бўлса, 2012 йилдан бошлаб эса республиканинг барча минтақалари маҳаллий бюджетлари дотациядан холи бўлди.

Ҳазначилик тизими Давлат бюджетини бажаришнинг самарали механизмига айланди. Ушбу тузилмани жорий этиш мақсадида 2004 йили «Давлат бюджетининг ҳазначилик ижро-си тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Шу даврдан бошлаб Давлат бюджетининг ҳазначилик ижросига қтиш изчил равишда амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда 214 та ҳудудий бўлинмасига эга бўлган Молия вазирлиги Ҳазначилиги фаолият юритмоқда.

2007 йилдан бошлаб республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг барча харажатлари ҳамда давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларининг харажатлари, 2010 йилдан бошлаб эса вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари фондларининг барча маблағлари, жумладан, бюджет ташкилотларининг ривожланиш фондлари ва бюджет даромадларининг бир қисми босқичма-босқич тарзда хизмат кўрсатишнинг ҳазначилик шаклига қтказилди. Яқин йилларда Ҳазначилик тизими Давлат бюджетининг даромад ва харажатларини тқла қамраб олади, ҳисоб-китоблар ягона ҳазначилиқ ҳисоби бўйича амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ҳазначилик ижросига қтказилиши давлат молия ресурсларини бошқариш механизмининг самарадорлигини ошириш ҳамда такомиллаштириш, ҳисоб ва ҳисобот, пул оқимларини бошқариш тизимини яхшилашни таъминлади, қурилган боҳқа чора-тадбирлар билан бирга бюджет ташкилотларида фискал интизомни мустаҳкамлаш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш имқонини берди.

Республикамызда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг

марказида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, маҳаллий бюджет имкониятларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини қз вақтида молиялаштириш масалалари туради.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига утиб бориш жараёнида хусусийлаштиришнинг янада чуқурлашиб бориши, демократик жараёнларни ривожланиб бориши маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги салмоғи опиб боришига олиб келади.

Шу сабабли умумдавлат солиқларини турли даражадаги бюджетлар уртасида таксимланишини такомиллаштириб бориш зарурдир. Бунда умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг роли факат маҳаллий бюджетларни даромадлар билан таъминлаш эмас, балки маҳаллий ҳокимият органларининг юкори бюджетларда маблағлар йигилишидаги манфаатдорлигини, ҳудудларда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқлигига эътибор берилса мақсадга мувофиқ булар эди. Ҳудудларнинг бюджетдан амалга оширилаётган харажатларининг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларни давлат томонидан даромадларни тартибга солишда бирламчи Республика бюджетида йигилган даромадларини бир қисмини қайта таксимлашни талаб қилади, Бу мақсадда барча давлатлар амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади.

Айни пайтда маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг кулланилаётган усуллари камчиликларга ҳам эга. Улардан асосийси маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадларини шакллантиришда субъективлик унсурларининг мавжудлиги, яъни бу тартибга солувчи солиқлар таркибини танлаш ва улардан ажратмаларнинг норматив миқдорларини белгилаш ҳеч қачон объектив урнатила олинмаслигида ифодаланади.

Бу камчиликлар давлат минимал ижтимоий ва молиявий нормативларининг бюджет режаси амалиётига утиш билан деярли бартараф

этилади. Гап ҳар бир фукаронинг ижтимоий ёрдамлар билан минимал таъминланиши нормативларини халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат ва бошқа соҳалар бўйича ишлаб чиқиш ва тасдиқдаш ҳақида бормокда.

Мазкур меъёрлар республикамизнинг алоҳида олинган ҳудудлари бўйича уларнинг иқлимий, тарихий, этник хусусиятлари ва аҳолининг ушбу хизматлар билан таъминлан-ганлиги даражаларини ҳисобга олган ҳолда фаркланиши лозим.

Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ривожланиши, аҳолининг ўсиши, урбанизация жараёнларининг кенгайиши маҳаллий бюджетлар ҳажми ва сони усишининг асосий омиллари таъсирида юз беради. Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ўз навбатида мамлакат иқтисодий ва сиёсий жараёнларини яққолроқ акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими туғрисидаги 5-моддасида бюджет тизимининг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ бюджетларни шакллантиришда турли даражадаги бюджетлар ўзаро боғлиқлиги ҳамда Давлат бюджети баланслилигини таъминлаш шарт. Турли даражада шунингдек маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари ўртасида баланслиликни таъминлаш мақсадида бюджетларнинг яна бир даромад манбаи бу юқори бюджетдан бериладиган моддий ёрдам бюджет субвенцияси ва дотацияси.

Юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга субвенция ва дотациялар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими туғрисидаги қонуннинг 21-моддасида келтирилган. Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланади. Республика бюджетидан субвенциялар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тасдиқланган Давлат бюджети доирасида ажратилади. Қарақолпоёистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет субвенциялари ва дотациялари туманлар ва

шаҳарлар бюджетларига тегишли тасдиқланган бюджетлар доирасида ажратилади.

Маҳаллий бюджетларнинг бу даромад турининг ўзига хос томонлар мавжуд. Юқори бюджетлардан ажратиладиган субвенция ва дотациялар бошқа даромад турларидан фарк қилиб бу даромад турлари йил бошида тасдиқланган режа миқдорида олинади. Яъни бу даромад турларига йил давомида ўзгартиришлар киритилмайди.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар таркибида йил бошида тасдиқланган дотация ва субвенцияларни маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўзига хос томонларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал.

Маҳаллий бюджетлар томонидан олинган субвенциялар⁹,

маҳаллий бюджет харажатларига нисбатан %да

Ҳудудлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	23,9	27,4	33,4	33,6	33,7	31,3	49,1	54,8
Андижон	22,9	27,0	31,7	32,8	35,4	30,3	43,1	41,6
Жиззах	25,0	27,7	34,8	34,8	39,9	31,6	52,0	52,2
Наманган	25,3	29,6	34,6	34,6	35,4	32,0	50,7	49,1
Самарқанд	28,4	32,6	37,0	35,0	38,8	31,5	51,6	52,4
Сурхондарё	27,4	29,3	37,1	36,0	39,3	37,0	50,3	47,4
Сирдарё	15,2	20,1	27,0	25,3	32,2	28,8	28,8	29,1
Хоразм	23,3	28,4	34,3	35,0	35,0	31,7	45,7	45,2
Жами	12,9	15,1	18,4	18,3	19,4	17,3	26,0	25,9

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдаги маълумотлардан куришиб турибдики республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган субвенция ёки дотациялар маҳаллий бюджетларнинг муҳим даромад манбаини ҳосил қилмоқда.

Республика иқтисодиётида давом этаётган иқтисодий ислохотлар солиқларни иқтисодий баркарорликни таъминловчи муҳим восита сифатида уларни доимий ислох қилиб боришни талаб қилади. Ҳозирги кунда аҳолининг даромадларининг салмоқли ҳиссаси хусусий секторда шаклланимоқда.

Давлат томонидан бу даромадларни бошқариш имкониятлари чекланган, бу даромадларни маъмурий тарзда давлат харажатларига йуналтириш бозор иқтисодиёти принципларига зид. Фақатгина солиқлар орқали аҳоли даромадларини бюджет даромадларига жалб қилиш мумкин.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларга субвенция давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида олиб бораётган сиёсатини оширишдаги маҳаллий ҳокимият органларининг иштирокини тегишли пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида берилаяпти. Аммо бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, субвенциялар асосан охириги йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини тенглаштириш мақсадида бериб келинмоқдаки, бу ўз навбатида субвенцияларнинг иқтисодий моҳиятини бир мунча бузилишига олиб келмоқда.

Субвенция маҳаллий бюджетларни даромадлари ва харажатларини мослаштирувчи усул сифатида камчиликларга эга. Маҳаллий бюджет даромадларининг бу манбаи маҳаллий ҳокимият органларида боқимандачилик кайфиятини юзага келтиради. Маҳаллий ҳокимиятларни қушимча даромад топиши, ўз даромадларини қупайтиришдаги кизиқишларини сундиради, бюджетларни даромад қисмини бажариш имкониятларини чеклабгина қолмай, молиявий назоратни пасайишига шароит яратади. Аммо шунга қарамасдан маҳаллий бюджетларни керакли маблағлар билан таъминлаш усули сифатида субвенциядан воз кечиш ҳам мумкин эмас. Субвенциядан воз кечиш мақсадида доимий тушмайдиган

даромад манбааларидан ажратмаларни ошириш ҳам маҳаллий бюджетларни огир ахволга тушириб қуйиши мумкин.

Бу доимо молиялаштиришга маблаг етмасликка, юкори бюджетга карз сураб мурожаат қилишга олиб келади. Шу сабабли субвенцияларни аник шароитдан келиб чикиб, мақсадни иқтисодий имкониятлари чекланган ҳудудларга бериб бориш ва ҳудудларни иқтисодий имкониятларини тенглаштириб боришга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий бюджетларни ижроси давомида даромадлар ва харажатлар орасида фарқни юзага қилиши маҳаллий ҳокимият органларини юкори бюджетлардан карз беришини сураб давлат органларига мурожаат қилишга олиб келади. Шу сабабли маҳаллий бюджетларни доимий тушиб турадиган даромадлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Охирги йилларда юкори бюджетлардан узаро ҳисоб-китоблар асосида бериладиган маблағлар, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда салмоқли уринни эгалламоқда.

Маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг бир қатор манбалари мавжуд бўлиб, улар орасида солиқ тушумлари муҳим ўрин эгалайди. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан даромадлар бўйича олинган ҳисоб-китоб шакллари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларнинг молия булимларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаларига, уларни тақдим этиш муддатлари курсатилган ҳолда юборилади.

Шаҳар ва туман ҳокимликларининг молия булимлари даромадлар бўйича олинган ҳисоб-китоблар шакллари тегишли шаҳар ва туман солиқ назорат органларига, уларни тақдим этиш муддатларини курсатган ҳолда юборади.

Шаҳар таркибига қирувчи туманларга (туманга буйсунувчи шаҳарларга) эга булган вилоятга буйсунувчи шаҳарлар (туманлар)нинг молия булимлари олинган ҳисоб-китоблар шакллари шаҳар таркибига қирувчи

туманлар (туманга буйсунувчи шаҳарлар) хокимликларининг молия булимларига юборадилар, улар эса уз навбатида, ушбу туман Давлат солиқ назорат органига уларни такдим этиш муддатларини курсатган ҳолда юборадилар.

Куйи молия органлари тегишли солиқ органлари билан биргаликда тайёрланган буюртмаларни тегишли бюджетларнинг даромадлар қисми лойиҳаларини тузиш учун юкори турувчи молия органларига такдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги куйи молия органларидан, Давлат солиқ ва Божхона кумиталаридан тегишли буюртмаларни олгач, Давлат бюджети даромадлари контингенти курсаткичлари лойиҳасини Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун тайёрлайди.

Давлат бюджети даромадлари контингенти курсаткичлари лойиҳаси бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳамда шу тарзда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг даромадлари ва харажатларини баланслаштириш учун умумдават солиқларидан тегишли бюджетларга ажратмалар ажратишни тартибга солиш режаси тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари лойиҳаларининг даромад қисмини аниклаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармаси томонидан умумдават солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар ажратишни тартибга солиш режаси тузилади ва унда куйидагилар белгиланади:

1) тартибга солувчи умумдават солиқларидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар меъёрлари ва микдорлари;

2) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктирилган умумдават солиқларининг ҳажми ва руйхати;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктирилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳажми ва руйхати.

Тартибга солиш режасининг мақсади маҳаллий бюджетларга умумдават солиқларидан ажратмалар миқдори ва меъёрларини, ушбу бюджет даромадлари ва харажатларини баланслаштириш учун қуйи бюджетларга ажратиладиган дотациялар (субвенциялар) ҳажмини аниқлашдан иборат.

Тартибга солиш режаси таркибида бошқа қуйи ҳудуд бюджетига эга бўлган ҳар бир ҳудуд учун тузилади. Тартибга солиш режаси ҳар йили молия йилининг бюджет лойиҳасини тузиш вақтида тузилади ва молия йили тугаши билан уз қучини йукотади.

Тартибга солувчи умумдават солиқлари юридик шахсларнинг даромад (фойда)ларига, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқлар, қушилган қиймат солиғи, акциз солиғи бўлиши мумкин.

Умумдават солиқлари – экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув захираларидан фойдаланганлик учун солиқлар тартиб бўйича, ҳар хил даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланмайди ва тўлиқ ҳажмда республика бюджетига ёки маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

2000-2012 йиллар давомида солиқлар фоизларининг баъзиларида пасайиш тенденциясини қузатилган, айримларида ўсишини қўриш мумкин. Хусусан, мулк солиғи 40,2 фоиздан 22,2 фоизга пасайган бўлса, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқлар 14,5 фоиздан 60,9 фоизга ошган (1.2.2.-жадвал).

1.2.2.-жадвал

Ресурс солиқлари таркиби¹⁰, жамига нисбатан фоизда

Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ресурс тўловлар ва мол-мулк солиғи	100	100	100	100	100
Мулк солиғи	40,2	21,2	20,8	21,8	22,2
Ер солиғи	39,5	15,2	15,6	16,7	14,7
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиғи	14,5	61,1	61,0	59,2	60,9
Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи	5,8	2,5	2,6	2,4	2,2

Тартибга солувчи умумдават солиқлари руйхатини белгилаш тўғрисидаги ва бу солиқлардан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар хажмини белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Қабул қилинган Давлат бюджетига асосан, тартибга солувчи умумдават солиқлари руйхати ва улардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратиладиган ажратмалар миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Тартибга солувчи умумдават солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг бюджетига ҳамда республика (Қорақалпоғистон Республикаси), вилоятлар ва шаҳарга (Тошкент шаҳрига) буйсунувчи шаҳар ва туман бюджетларига ажратмалар миқдорлари тўғрисидаги таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан киритилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроектисодий тадқиқотлар институти ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан шаҳар таркибига кирувчи туман бюджетларига ажратмалар ҳажми тўғрисидаги таклифлар туман ҳокимликларига туман ҳокимликнинг молия бўлимлари томонидан киритилади.

Тартибга солинувчи умумдавлат солиқларидан республика (Қорақалпоғистон) ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳамда туманлар бюджетларига ажратмалар меъерлари худди шу солиқлардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар меъёрларидан ошмайдиган ҳажмларда белгиланади.

Шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларига тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъерлари худди шу солиқлардан вилоятга бўйсунувчи шаҳар бюджетига ажратмалар меъёрларидан ошмайдиган ҳажмларда белгиланади.

Туманга бўйсунувчи шаҳар бюджетларига тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъерлари худди шу солиқлардан вилоятга бўйсунувчи туман бюджетига ажратмалар меъёрларидан ошмайдиган ҳажмларда белгиланади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия органларининг таклифи бўйича қайси даражадаги бюджетга, шу жумладан юқори турувчи бюджетга маҳаллий солиқлар тулик ҳажмда утказилишини белгилайди.

Тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларга утказилиши керак булган ҳамда турли даражадаги бюджетларга ажратмалар меъёрлари белгиланмаган умумдавлат солиқлари солиқ туловчи жойлашган ҳудуддаги шаҳар, туман маҳаллий бюджетига утказилади.

Республика бюджетига тулик ҳажмда утказилиши керак булган ҳамда улар бўйича турли даражадаги бюджетларга ажратмалар меъерлари белгиланмаган умумдавлат солиқлари солиқ туловчи қайси шаҳар, туман

худудида жойлашганлигидан катъий назар, республика бюджетига утказилади.

1.3. Маҳаллий бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлашда хорижий мамлакатлар тажрибалари

Ривожланган малакатлар иқтисодиётига назар соладиган бўлсак купчилик мамлакатларда бюджет даромадларини шаклланиши маълум бир коидалар ва катъий қонунларга асосан шакллантирилади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Германияда солиқлар давлатнинг асосий иқтисодиётга таъсир этувчи муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётида кўп тармоқли ва турли туман солиқлар тизими амал қилади. Умумий ҳолда 50 дан ортиқ солиқлар мавжуд. Германияда турли даражадаги бюджетларни тўлдирувчи даромад манбаси сифатида солиқлар федераль, земель, ҳамкорликаги (федераль ва земель), муниципаль ва черков солиқларга бўлинади. Федераль солиқлардан бошқа бюджетларга ажратмалар қилинмайди.

Буюк Британия, Испанияда ҳар бир маъмурий- ҳудудий бирликлардаги жон бошига тўғри келадиган даромадлардан келиб чиққан ҳолда, марказий ҳокимиятлар бюджетдаги солиқ тушумлари соҳаси бўйича ҳудудий органлар бюджетларини коррективировка қилишда ҳам иштирок этади. Жон бошига ўртача даромади юқори бўлган ҳудудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларининг бир қисми марказий ҳокимият органлари томонидан олиниб даромад даражаси паст бўлган ҳудудларга йўналтирилиши мумкин.

Солиқлар – ҳудудий бюджетлар даромадининг асосий манбаи. Бюджетларга тушадиган барча солиқларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: маҳаллий солиқлар ва юқори бюджетдан келадиган ажратмалар.

Ҳар бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига асосан маҳаллий солиқлар ҳудудий бюджетларнинг муайян турларига бириктирилган. Ушбу солиқ ставкалари одатда маҳаллий бошқарув органлари томонидан белгиланади.

Турли давлатларда бундай солиқларнинг сони 20 тадан 100 тагача, уларнинг улуши эса ҳудудий бюджетлар даромадларидаги улуши эса 30 % дан 70 % гача булган улушни ташкил этади.

Ғарбий Европада маҳаллий солиқлар тизимида тўғри солиқлар катта улушини ташкил этади: жами солиқ тушумларининг 70-75 % даромад, фойда ва мулк ҳисобидан олинадиган солиқлар улушига тўғри келади. Истеъмолдан олинадиган солиқлар 3-4 % ни ташкил этади, бошқа солиқлар 20 % ни ташкил этади. Японияда тўғри солиқлар улуши 85 % ни, эгри солиқлар эса 15 % ни ташкил этади.

Тўғри солиқлар ичида фойда ва даромад ҳамда турли мулк солиқлари таркиби анча фарқ қилади: Скандинавия мамлакатларида барча солиқ тушумларининг 80-90 % даромад ва фойда солиғи ҳиссасига тўғри келади; Белгия, Германия, Австрияда бу кўрсаткич 50 % дан ошмайди. Бошқа мамлакатларда эса ҳудудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларининг асосий қисми турли шаклдаги мулклардан олинадиган солиқлар ҳисобидан шаклланади. Жумладан Ирландияда ягона маҳаллий солиқ ҳисобланади; Нидерландияда жами солиқ даромадларининг 2/3 қисмини шу солиқлар ташкил этади; Японияда 48 % солиқ даромадларини турар бинолари учун солиқлар ва 21 % ни кўчмас мулк учун солиқлар ташкил этади.¹¹

Даромад, фойда ва мулк солиғи билан бир қаторда бюджет тўлдирувчи бошқа солиқ ва тўловларни ҳам жорий этадилар. Бундай солиқлар ставкалари юқори бўлмасада муниципалитетлар учун бу даромад манбалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўпинча кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш учун солиқ; пештахта ва кўчадаги реклама учун; итлар учун; маданий тадбирлар учун (фестиваллар, спорт мусобақалари ва бошқалар); ўйин автоматлари учун; ҳисоблаш техникасини қайта сотишдан солиқ каби қўшимча маҳаллий солиқ турлари ҳам қулланилади.

Францияда кўпчилик шаҳарларида коммунал жамоат транспортига солиқ белгиланган. Одатда у аҳоли сони 30 мингдан юқори бўлган

¹¹ Дробозина Л.А. Общая теория финансов. –М.: "Банк и Биржы", 1995. С. 26.

шаҳарларда қўлланилади. Бу солиқни Ёлланб ишловчилар сони туққизтадан юқори бўлган барча корхоналар тўлайди. Маҳаллий ҳокимият органлари аҳоли билан келишилган ҳолда бошқа вақтинчалик ва доимий солиқлар – йўллар қуввати учун, тротуарлар қуриш учун, кўчаларни супуриш учун ва бошқа солиқлар ҳам жорий этишлари мумкин.

Бир қатор мамлакатларда ахлатни ташиш учун, электр-энергиядан фойдаланганлик учун ва шу каби бошқа қўшимча солиқ турлари қўлланилади. Йўл қоидаларини бузганлик ва экология талабларига риоя этмаганлик учун қўлланиладиган қатъий жарималар ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш имконини беради. Бироқ қўшимча солиқлардан тушадиган даромадларнинг умумий ҳажми нисбатан жуда кам.

Худудий бюджетларнинг солиқдан ташқари тўловлардан иборат бўлган даромадлари асосан муниципаль мулк бўлган корхоналар ҳисобидан олинадиган даромадлар, ижара даромадлари, пул йиғимлари, ҳар хил жарималар, божлар, корхоналар ва аҳолининг ихтиёрий тўловларини ўз ичига олади. Солиқдан ташқари тўловлар худудий бюджет даромадида жуда кам улушни эгаллайди. Уларнинг улуши турли мамлакатларда 10 % дан 30 % гача булган даражада ўзгариб туради.

Россия федерациясининг федерал ва маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишини қуриб чиқадиган булсак уларда маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагича шакллантирилади:¹²

- ўз даромади ҳамда федерал ва худудий тартибга солинувчи солиқ ва йиғимлардан ажратмалар ҳисобига;
- маҳаллий бюджетга солиқ ва йиғимлар тулангандан сунг, маҳаллий ҳокимиятларга тегишли мулкларни ишлатишдан келган даромад, тулик ҳажмда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари таркибидаги бюджет ташкилотлари томонидан қўрилган пуллик хизматлардан келадиган даромадлар;

¹² Россия Федерациясининг Бюджет кодекси.

- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига алоҳида давлат ваколатли органларини ташкил қилишни яратишни молиялаштириш учун ажратмалар, Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг Россия федерацияси субъектларининг қонунлари ва федерал қонунларни амалга оширишни молиялаштириш учун ажратмалар;
- бюджет даромадларини камайишига ва харажатларин қупайишига олиб келадиган давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида пайдо буладиган қушимча харажатларни компенсация қилиш учун ажратмалар;
- Россия федерацияси субъектлари қонунлари, федерал қонунлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий актларига асосан урнатилган нормативлар бўйича белгиланган тартибда маҳаллий бюджетларга тушадиган бошқа солиқсиз тушумлар.

Маҳаллий бюджет даромадлари солиқлар ва солиқсиз тушумлардан таркиб топган. Солиқ тушумларига:

- солиқ қонунчилигида қўзда тутилган маҳаллий солиқ ва йигимлардан даромадлар;
- Россия федерациясининг Бюджет Кодекси 52, 58 ва 63-моддаларига асосан урнатилган тартибда маҳаллий бюджетларга бериладиган федерал ва ҳудудий тартибга солинувчи солиқ ва йигимлардан ажратмалар;
- давлат божлари (тўлов қабул қилган кредит муассасасининг жойлашган урнига қараб 100 фоиз миқдорда ажратма қилинадиган, федерал бюджет даромадларига ҳисобланадиган давлат божларидан ташқари);
- маҳаллий бюджетларнинг солиқсиз тушумлари Кодекснинг 41-46-моддаларига биноан, шу жумладан муниципал ташкилотларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий актларига асосан белгиланган миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий туловларни тулагандан кейинги қолган фойдаларининг бир қисми ҳисобига шаклланади.

АҚШ иқтисодиётига назар ташлайдиган булсак федерал давлат булганлиги сабабли мамлакатда солиқ тизими уч боскичли бўлиб, федерал солиқлар, штатларнинг солиқлари ва маҳаллий солиқларни уз ичига олади. 1995 йил маълумотларига караганда федерал харажатлар умумдават харажатларининг тахминан 60 фоизини ташкил этади. 40 фоизи эса штатлар ва маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджетларига тўғри келади.

Федерал бюджет таркибида юридик ва жисмоний шахсларда олинадиган даромад солиги 54,3 фоизни(юридик шахсларда 9,3 фоиз, жисмоний шахслардан 45 фоиз), акцизлар 6,3 фоизни, совгалар ва меросдан олинадиган солиқ 1 фоизни, иш берувчилар билан оқимлар томонидан барабар туланадиган ижтимоий таъминотга ажратмалар 27,6 фоизни, бепул тиббий ердамга ажратмалар 7 фоизни, иш берувчилар томонидан туланадиган ишсизлик нафакаларига ажратмалар 2 фоизни ташкил килади.

Федерал бюджетнинг харажатлар қисми 20 та асосий бюджет тоифаларига, шу жумладан, миллий мудофа, халқаро ишлар, кишлок хужалиги, транспорт, энергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта харажатларига, давлат карзи бўйича фоизлар тулашга ва хоказоларга бўлинади.

Штатларнинг бюджетларига солиқ туушумларининг умумий хажмида жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад солиги 39 фоизни, махсулот сотишдан олинадиган солиқ 49 фоизни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги 2 фоизни, фойдали казилмаларни казиб чиқарганлик учун табиий ресурсларнинг мулкдорлари томонидан туланадиган солиқ 2 фоизни, лицензияланадиган фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берганлик учун олинадиган лицензия йигимлари 6 фоизни ташкил килади.

Муниципиал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад солиқлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йигимлари, касб учун солиқ, фойдали казилмаларни казиб чиқарганлик учун солиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солишлари мумкин. Бу солиқлар баъзи

маҳаллий бюджетларда 75 фоизга етади. АҚШ солиқ тизимига хос бўлган рағбатлантирувчи ёндашув бошқа ҳар қандай тизимга нисбатан кучлироқдир. Бундай ёндашув фақат иқтисодиётдагина эмас, балки жамият ҳаётида ўам кўзга ташланган ижобий тамойиллар ва жараёнларнинг самарали ривожланишини таъминлайди.

Маълум даврларда иқтисодий усишнинг жадаллаштириш учун айрим солиқ турларнинг ставкалари камайтиради. Ҳар қандай активлар, акциялар, уйлар, ер участкаларидан олинадиган сармоя даромадларига солиқ солинади. Унинг ставкаси ишлаб топилган даромаддан(маош, иш хаки, хунармандларнинг даромадлари ва шу кабилардан) олинадиган солиқлардан тахминан икки баробар камдир. Бу эса ижтимоий жамғарилишни рағбатлантиради. Чунки, уларсармоядан даромад олиш ҳуқуқини берадиган кимматли қоғозларни сотиб олиш фойдали бўлади.

Америка солиқ тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда асосий солиқ турлари параллел равишда қўлланилади. Хусусан, аҳоли учта жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини (федерал, штат, маҳаллий), учта корпорация фойдасидан солиқни (федерал, штат, маҳаллий), икки турдаги мулкӣ солиқни (штат, маҳаллий) ва ҳ. к. тўлайди.

Федерал бюджет даромадларининг энг йириги аҳолидан олинадиган даромад солиғи ҳисобланади. Бундай коида бу турдаги солиқ туловчилар сонининг доимий усиш билан ҳам ҳарактерланади. Биринчи жаҳон урушидан олдин бу солиқ турини туловчилар сони 1 млн. булган булса, 1939 йилда 5млн. 80-йилларнинг урталарида 100 млн. дан ортик кишини ташкил этган. Аҳоли даромадидан олинадиган солиқнинг объекти бўлиб, барча манбалардан (иш хаки, тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар, кимматбаҳо кағозлардан даромадлар ва ҳ.к.) Олинадиган даромадлар ҳисобланади. Солиқ солиш субъекти айрим олинган шахсдаги оила булиши мумкин.

АҚШнинг солиқ тизимига хос булган рағбатлантирувчи ёндашув бошқа ҳар қандай тзимга нисбатан кучлироқдир. Бундай ёндашув фақат иқтисодиётдагина эмас, балки жамият ҳаётида ҳам кузга ташланган ижобий

тамойиллар ва жараенларнинг самарали ривожланишини таъминлайди. Маълум даврларда иқтисодий усишни жадаллаштириш учун айрим солиқ турларининг ставкалари камайтиради.

Хар кандай активдан-акциялар, уйлар, ер участкаларидан олинадиган сармоя даромадларига солиқ солинади. Унинг ставкаси ишлаб топилган даромаддан(маош, иш хаки, хунармандларнинг даромадлари ва шу кабилардан) олинадиган солиқдан тахминан икки баробар камдир. Бу эса ижтимоий жамгарилишни рағбатлантиради. Чунки сармоядан даромад олиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозларни сотиб олиш фойдали булади.

Штатлар ва маҳаллий ҳокимият идоралари уз харажатларини коплаш учун чиқарадиган облигациялардан келган даромадларга мутлако солиқ солинмайди. Бу хол ана шундай қимматли қоғозларни кенг микесда сотиб олишни фаоллаштиради. Чунки, улар юзасидан туланадиган фоизлар бошқа қимматли қоғозларнинг фоизларига нисбатан кам булишига карамай, йирик пакетлар эгаларининг даромади солиқлар тулашдан озод булиш ҳисобига ун марталаб кўпаяди.

Нархи пасайиб кетган қимматли қоғозларни сакловчиларга ҳам солиқ имтиезлари берилади. Улар курган зарарларини солиққа тортиладиган даромаддан чегириб ташлаш ҳуқуқига эга. Йирик акция пакетларининг эгалари учун сохта сармоядан курилган зарар солиқ туловлари камайиши ҳисобига даромадларининг реал ошишига айланиши мумкин.

Бундай ёндашув биржада курсларнинг кескин узгаришини сугурталаш, енгиллаштириш, катта микдорда солинган маблағлар зарардан химоя килинишини кафолатлаш имконини беради.

АКШнинг солиқ қонунларига мувофик, агар корпорация уз фаолиятидан олган маблағларини дивидентлар сифатида эмас, балки инвестицияларни компаниянинг акцияларига кайтариш тарзида таксимласа, бу маблағларга солиқ солинмайди. Бу эса корхонани ривожлантириш учун фойдани кайта инвестициялашни рағбатлантиради.

Ер ости бойликларининг тугашига чегирмалар бериш назарда тутилади. У фойда солигидан ялпи даромаднинг 22 фоизини чегириб ташлаш имконини беради ва 100 га якин хар хил фойдали казилмаларни казиб олиш чогида кулланилади. Худди ана шу чгирма ҳисобига АКШ нефть саноатининг хозирги ахволи анча каноатланарли даражада булмокда.

Тегишли қонунга мувофик чет элда фойдали инвестициялар килишни рағбатлантириш максадида, чет элда олинадиган фойдадан солиқ ставкаси мамлакат ичидаги юридик ва жисмоний шахсларга мулжалланган одатдаги ставкадан икки баравар камдир. АКШда вакиллик харажатларини солиқлардан озод килиш. Кенг ейилган бўлиб, у мазкур харажатларни савдо чикимлари ва иш билан боғлиқ бошқа чикимлар сифатида ҳисобдан чикариш йули билан амалга оширилади. Холбуки, солиқ идорасининг баҳолашича, АКШда ишлаб чикариладиган хамма вино-арок махсулотларининг камида 10 фоизи вакиллик харажатларига ажратилади.

Даромад солигини ва фойдадан олинадиган солиқни ундириш тизими хам бир катор ижтимоий ва иқтисодий жараенларни рағбатлантиришга каратилган. Хусусий нафака фондларига ажратиладиган маблагларнинг солиққа тортиладиган базасидан чегирмаларни купайтириш йули билан бу фондларнинг рифожланиши рағбатлантирилади. Даромад топмайдиган кишилари булган оилаларнинг солиққа тортилмайдиган даромадлари микдорини ва солиққа тортиладиган даромаддан чегирмалар микдорини купайтириш оркали фукароларнинг бу тоифаларига ердам курсатилади. Маданий ва бадий бойликларни музейларга топшириш чогида солиқларни анача камайтириш назарда тутилади.

II БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш асослари.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида макроиқтисодий сиёсатни бошқариш қуроли сифатида бюджет ва давлат харажатларини тартибга солишнинг аҳамияти кескин қисқарди ва биринчи уринга чиқди. Ўз навбатида, бу уларнинг иқтисодиётга таъсири маъносида харажатларни доимий равишда таҳлил қилишни тақозо этади.

Ҳозирги шароитда солиқ, ислохотини амалга оширишдаги қийинчиликлар, биринчидан, мамлакатда солиқ муносабатларининг амалга оширилиши амалий тажриба билан аниқланади. Бу қз навбатида солиқ тизимини такомиллаштиришни талаб қилади; иккинчидан, омманинг солиқларга нисбатан муносабати билан белгиланади. Бундай вазиятда қабул қилинадиган қарорларнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини қатъий хисрбга олиш зарурлиги билан изоҳланади. Бугунги кунда Республикамизда шаклланган солиқ тизими иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши давр тақозосидир.

Солиқ ислохотининг мақсади — бошқаришнинг идеал воситаларини яратиш, истиқболга йўналтирилган механизмни кашф этиш эмас, балки уни аниқ тарихий даврга мос равишда ташкил этишдир. Солиқлар бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситасидир, шу сабабли солиқ тизимини такомиллаштириш ўзида методологик ва услубий жиҳатдан муайян муаммоларни мужассам эгандир. Шу сабабли, бу юқорида кўрсатилган муҳим йуналишлар ечилиши катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бюджетининг

даромад қисмини мустаҳкамлаш солиқларнинг фискал вазифасини кучайтириш ҳисобига юз беради (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркиби¹³ (ЯИМга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	21,6	21,6	21,7	23,2	22,5	22,0	21,9	22,0
Тўғри солиқлар	5,9	5,6	5,6	6,1	5,9	5,7	5,8	5,6
Эгри солиқлар	10,0	10,2	10,3	10,9	11,3	11,1	10,6	10,8
Ресурслар тўловлар ва мол-мулк солиғи	3,6	3,8	3,5	3,5	3,7	3,4	3,4	3,4
Қўшимча фойда солиғи	0,3	0,6	0,7	1,0	0,4	0,4	0,5	0,5
Бошқа даромадлар	1,7	1,4	1,6	1,6	1,3	1,4	1,7	1,7

Давлат бюджети даромадлари мақсадли фондларсиз ЯИМга нисбатан 2012 йилда 22,0 %ни ташкил килди ва 2005 йилда эса бу кўрсаткич 21,6 %га тенг бўлган. Бу камайиш асосан эгри солиқлардан тушадиган тушумнинг 10,0дан 10,8 %гача камайиши ҳисобига рўй берди.

Давлат бюджетининг даромадлари таркибида эгри солиқлар тушумларининг ўсиши тенденцияси сақланиб қолмоқда ва уларнинг улуши 2005 йилдаги 46,4 %дан 2012 йилдаги 49,1 %га ошиб, тўғри солиқлардан тушумлар шу давр ичида юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг 6,7 %дан 4,7 %га камайиши ҳисобига 27,2 дан 25,4% га камайди. Бундан ташқари, ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича тушумларнинг 16,9 %дан 15,6%гача камайиши қайд қилинган (2.1.2-жадвал).

Шундай қилиб, амалга оширилган таҳлил бир томондан ҳозирги вақтда республикадаги солиқ тизими асосан фискал вазифада намоён бўлаётганлиги, иккинчи томондан эса унинг рағбатлантирувчи вазифаси етарлича ишга туширилмаганлигини кўрсатмоқда. Солиқ, тизимининг энг асосий вазифаси

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

энг аввало бюджет тақчиллигини пасайтириш бўлиб, бу ўтиш иқтисодиёти талаблари билан белгиланади.

2.1.2-жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркиби (жамига нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тўғри солиқлар	27,2	25,9	25,7	26,5	26,2	26,1	26,4	25,4
Эгри солиқлар	46,4	47,0	47,6	47,1	50,1	50,5	48,2	49,1
Ресурс тўловлар ва мол-мулк солиғи	16,9	17,4	16,2	15,1	16,3	15,4	15,4	15,6
Қўшимча фойда солиғи	1,5	2,9	3,0	4,2	1,7	1,8	2,1	2,2
Бошқа даромадлар	7,9	6,7	7,5	7,1	5,7	6,3	7,9	7,7

Эгри ва тўғри солиқлар нисбатининг ўзгариши уларнинг фискал вазифаси кучайганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, эгри солиқларнинг тўғри солиқларга нисбатан илдам ўсиши солиқ, «юки» аҳоли зиммасига товарлар нархидаги Солиқларнинг кўпайиши орқали тушишига олиб келади. Эгри солиқлар амалдаги турлари ставкалари ўсиши ёки эгри солиқларнинг янги турларини жорий этиш йқли билан бюджет баланслилигини қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу йилларда олиб борилган солиқ сиёсатининг оқибати маҳсулот таннархи, унинг нархлари ўсиши ҳисобланади. Бу технологик жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ тармоқлар занжири орқали нархлар ўсишининг янги халқасини келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, амалдаги бюджет тушумлари миқдорини камайтиради, молиявий вазиятни ба барқарорлаштиради, яъни товар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви, тўловлар танглиги кескинлашувига олиб келади.

2.1.3-жадвал

**Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳудудларнинг
улуши¹⁴ (жамига нисбатан %да)**

Ҳудудлар	2005	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	2,0	2,4	2,4	2,3
Андижон	3,3	3,4	3,3	3,4
Бухоро	7,3	7,1	7,2	6,2
Жиззах	1,2	1,3	1,2	1,3
Қашқадарё	7,4	10,4	11,4	10,7
Навоий	13,3	8,5	7,9	7,3
Наманган	2,8	2,4	2,6	2,8
Самарқанд	3,9	3,6	3,8	3,9
Сурхондарё	2,5	2,6	2,4	2,5
Сирдарё	1,8	1,5	1,3	1,4
Ташкент	14,0	9,5	9,8	10,1
Фарғона	8,5	8,6	8,1	7,3
Хоразм	2,4	2,2	2,2	2,2
Ташкент ш.	23,1	26,3	27,1	26,9

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, давлат бюджетининг шаклланишида маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти жуда катта. Ҳар бир вилоят бюджетининг давлат бюджетига ўз ўрнига эга. Тошкент шаҳрининг улуши 23,1 фоиздан 26,9 фоизгача ошган. Жиззах вилояти маҳаллий бюджетлар ичида энг кам салмоқли улушда, 1,2 фоиздан 1,3 фоизга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган солиқ, воситалари шуни кўрсатадики, иқтисодий жараёнларга самарали таъсир кўрсатиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш учун улар рўйхати етарлича мавжуддир. Бундай вазиятда уларни янада такомиллаштириш солиқ, тушумларининг

¹⁴ Алманах Ўзбекистон 2013. –Т., 2013. 166 б.

янги турларини жорий этишда эмас, балки ҳозирги пайтга мувофиқ келадиган солиқ ставкалари даражаларининг мақбул нисбатида, тўғри ва эгри солиқларнинг оқилона нисбатида ифодаланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йил учун қарорлари билан ўрнатилган меъёрларига асосланиб маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилинади. Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаи бўлиб, улар у ёки бу маҳаллий бюджетга бириктирилади ва тўлиқ шу бюджетларга тушиши кўзда тутилади. Маҳаллий йиғимлар ҳам бириктирилган даромадлар таркибига киради ва маҳаллий бюджетларга тўлиқ тушади. Уларнинг маҳаллий солиқлардан фарқи шундаки, маҳаллий солиқларнинг таркиби, ставкалари, объектлари давлат томонидан қонуний йўл билан белгилаб қўйилади. Маҳаллий йиғимларни эса маҳаллий бошқарув органлари ўзлари мустақил белгилашлари, миқдорларни аниқлашлари ва бекор қилишлари мумкин.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари улушида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳисобига шаклланади. Республикамизда маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ муаммолар марказида уларнинг маҳаллий бюджетлар харажатларини тўлиқ миқдорда молиялаштира олмаслигидадир.

2012 йилда Қашқадарё вилояти, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетлари даромадларининг ЯХМга нисбатан улуши, энг юқори салмоққа эга бўлган маҳаллий бюджетлар сифатида эътироф этиш мумкин. Кейинги ўринларни эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти маҳаллий бюджетлари улуши эгаллаган. Маҳаллий бюджетларнинг ЯХМга нисбатан улуши Жиззах вилояти, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадлари бошқа ҳудудлар даромадларига нисбатан паст кўрсаткичлар ҳисобланади.

2.1.4-жадвал

**ЯҲМга нисбатан маҳаллий бюджетлар даромадлари улуши
динамикаси¹⁵**

Ҳудудлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	19,8	12,6	13,2	12,8	14,2	14,4	17,6	17,6
Андижон	10,7	8,3	7,9	7,6	7,5	7,9	9,5	9,5
Бухоро	15,8	11,7	11,9	12,6	13,3	14,6	14,2	13,2
Жиззах	11,5	6,9	6,8	7,5	8,1	8,3	9,7	8,9
Қашқадарё	19,9	15,4	14,6	16,5	17,7	15,8	15,9	18,6
Навоий	15,0	8,7	6,9	6,8	9,3	7,2	8,6	8,5
Наманган	12,6	12,4	10,8	9,7	9,2	10,2	10,6	11,6
Самарқанд	13,5	13,4	12,5	9,5	9,2	8,8	9,7	10,3
Сурхондарё	11,5	10,2	8,9	10,3	20,9	11,4	12,3	10,5
Сирдарё	17,7	16,5	16,1	15,8	15,4	12,6	15,3	13,6
Ташкент	12,7	11,5	9,5	11,3	13,7	10,9	11,4	11,3
Фарғона	13,8	16,6	17,0	18,5	15,8	19,1	19,9	18,3
Хоразм	15,3	11,7	10,4	9,8	11,3	11,3	11,4	12,0
Ташкент ш.	13,5	9,4	9,3	8,0	6,4	7,6	7,9	8,9
Жами	12,5	9,4	9,1	9,5	9,5	9,2	9,3	9,4

Амалдаги солиқ, сиёсатига тузатиш киритиш йўналишларини белгилашда 2005 йилда иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш устувор вазифа эканлигидан келиб чиқиш зарур. Солиқ ислоҳоти ўтказилиши солиқ солиш оғирлигини мол-мулк ер, кучмас мулк табиий ресурсларга табақалаштирилган солиқ солиш, савдо, воситачилик ва банк даромадларидан солиқ, олишга қтказиши керак. Энг аввало, ички захираларга таянган ҳолда мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим жиҳат ҳисобланади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

2.2. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет даромадларини шаклланиш муаммолари

Ҳозирги даврда қуйи даражадаги бюджетларнинг юқори даражадаги бюджетлар ва идораларга катъий маъмурий бўйсиниши амалиёти ўрнига турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро муносабатлари қарор топди, бюджетларнинг ўзлари эса ўзгача молиявий мазмун касб этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 11 майдаги V-сессиясида давлат бюджети ижросини муҳокама қилиш жараёнида таъкидлаганидек, бюджет жараёнида айнан маҳаллий бошқарув органлари ваколатига қирувчи бюджет маблағлари улушини кўпайтириш лозим.

Маҳаллий бюджетлар харажати ошиб бораётган ҳозирги кунда ҳукумат томонидан уларни даромадларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бириктирилган даромадлар сони кўпайтириб борилди, тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар миқдори ошириб борилди. Бу ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошишига, демак, уларнинг ҳудудларида яратилаётган миллий даромадларини тақсимлашдаги ўрнини ошишига олиб келади.

Мутахассисларнинг фикрича, «ғарб давлатлари солиқ тизимининг муҳим ташкилий тамойиллари мамлакатнинг ҳудудий-сиёсий тузилишига мос равишда марказий бюджет ва турли даражадаги бюджетлар даромад турларининг аниқ белгиланиши ҳисобланади»¹⁶.

Шу сабабли бюджетлараро муносабатларда солиқ базасини бўлиш ва уни бюджетларга тегишлича барқарор биркитиш, турли бюджетлар мажбуриятлари ва харажатларини аниқ белгилаб қўйиш, бюджетлараро муносабатларнинг янги механизмларини яратиш масалаларини ҳал этиш кун тартибига қўйилган. Албатта, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бюджет ресурсларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва улардан

¹⁶ Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. М.: С5.

фойдаланиши жараёнида юзага чиқади ва ўзаро муносабатларнинг ягона тизимида бориши керак. Молиявий ресурслар тақсимланиши ва улар тегишлича каналлар бўйича республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун юборилиши, сўнгра молиявий ресурсларнинг жисмоний ва юридик шахсларга йўналтирилиши тартибга солиниши керак.

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг бюджети тизими уч гуруҳдан иборат омиллар таъсирида фаолият кўрсатмоқда. «Булар қуйидагилардан иборат:

- Солиқ Колекси ва янги бюджет қонунлари билан боғлиқ бўлган бюджет ислохотлари омиллари;
- Ўзбекистон Республикасида бюджет тузилиши, ҳокимият тузилмаси ва механизмларни давлат томонидан ислоҳ қилиш, республика ва минтақалар бюджетлари ваколатларини белгилаб қўйиш омиллари;
- тўлов баланси ва бюджет кўрсаткичларининг ўзаро иқтисодий таъсири омилларидир»¹⁷.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, бюджетларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш услубиёти янги турдаги бюджетлараро муносабатларнинг моҳиятини очиқ бериши учун бир қатор масалаларни илмий таҳлил қилиш лозим. Булар жумласига бюджетлараро муносабатларнинг юзага келиш шароитлари, унинг моҳияти ва объектив асоси, бу муносабатларнинг доираси, уларнинг ўзаро таъсири тамойиллари ва механизмлари киради.

Худудларнинг молиявий ресурсларининг аксарият қисми маҳаллий бюджетларда шаклланади ва улар орқали тақсимланади. Маҳаллий бюджетлар давлат бюджет тизимида асосий ўринни эгаллайди. Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий худудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади.

¹⁷ Жамолов Х., Хакимова Ш. Взаимодействие звеньев бюджетной системы в условиях либерализации экономики. // Экономический вестник Узбекистана. 2001. №6. стр 28.

Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги тутган ўрни уларнинг бюджет даромадларини шакллантириш ва тақсимлаш борасидаги ҳиссаларини таҳлил этишда янада яққол намоён бўлади. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетлар орқали давлат бюджетининг асосий молиявий ресурслари шаклланиши билан бирга уларнинг тақсимотини ҳам катта қисми маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилмоқда.

Узбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йиллардаги ислохотларнинг дастлабки босқичларида, умумдавлат бюджети маҳаллий бюджетлардан устун мавқеда турди. Бироқ, ислохотларни эркинлаштириш шароитида бизнинг олдимизда турган масала бюджет компонентларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида эмас, балки республика бюджетнинг функционал ролини қисқартириш ва маҳаллий бюджетларнинг асл функцияларини шакллантириш масаласидир.

Маҳаллий бюджетларда назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин. Лекин бундай муносабатларда, бизнинг назаримизда, молия тизимининг вертикал бошқарувда бири-бирига бўйсиниши кузатилади, бу эса бюджетлараро муносабатлар эркинлигини жиддий чеклаб қўяди.

Айни пайтда қуйи бюджетлардан фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бошқарув ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш, бюджет ташкилотларини жорий харажатлари, мақсадли дастурлари ва тадбирлар амалга ошириш молиялаштирилади. Юқоридагилардан кўринадики, бу харажатларда давлатнинг минтақалардаги иқтисодий сиёсатининг асосий қисми мужассам этилган. Аслида бюджетларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларида республика бюджетининг бу қадар салмоқли устиворлиги бўлмаслиги керак.

Бир қатор мамлакатларда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш харажатлар мажбуриятларининг бюджетлар ўртасида тақсимлаши бюджет харажатларини молиялаштириш тартибини қатъий белгилаб қўйиш, даромадлар манбаларини узоқ муддатли чегаралаш, бюджетлардан молиялаштириладиган харажатларнинг миқдори, таркиби ва амалга ошириш тартибини аниқлашни қуйи ҳокимият органларига бериш каби йўналишда боради.

Масалан, Россия Федерациясида бюджетлараро муносабатларнинг мавжуд тизими теран ислохотларга муҳтож. Ҳозирга қадар асосий эътибор молия ресурсларини бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида ва минтақалар ўртасида қайта тақсимлашга қаратиб келинди. Ҳозир эса бюджет мажбуриятлари ва уларнинг ижроси учун жавобгарликни турли даражадаги ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгилаб қўйиш вазифаси турибди.

Иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш давлатнинг хўжалик субъектлари ишига аралашувини чеклашни, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтиришни назарда тутди. Бу вазифаларни фақат бюджет сиёсати тамойилларини маҳаллий бюджетлар фойдасига тубдан ўзгартирмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Мамлакатда ижтимоий фаровонликни таъминлашда давлат аҳолига бепул берадиган ижтимоий неъматларнинг роли ошиб боради ва уларни молиялаштириш бюджетдан бўлади. Биз биламизки, ҳозирги иқтисодиёт ғоят сифатли иш кучини талаб этади ва шу муносабат билан инсон капиталининг иқтисодиёт учун аҳамияти беқиёс ошади ва унга катта инвестициялар талаб қилади ва буларни катта қисми бюджетдан молиялаштирилади.

Бюджетнинг асосий вазифаси ижтимоий неъматларни такроран яратиб, уларни эл хизматиға тақдим этишдир. Бу хизматларни талаб-эҳтиёжларга мос равишда яратиш уларни маҳаллийлаштириш зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида маҳаллий бюджетлар аҳамиятини оширади. Бироқ ижтимоий неъматлар умуммиллий ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлади.

Мана шунинг ўзи уларни турли манбалар ҳисобидан молиялаштиришни талаб этади. Булар марказлашган ва маҳаллий маблағлар бўлиши мумкин. Турли манбалар нисбати бюджетлараро муносабатларни юзага келтирадики, у объектив шароитдан келиб чиқади, чунки ижтимоий неъматларнинг табиати улар исътемолини ва шунга биноан уларни ҳосил этиш жараёнини молиялаштиришни кўп манбали қилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бюджетнинг зарурлигини фуқаролик жамиятида индивидуал ва корпоратив эҳтиёжлардан ташқари, ижтимоий эҳтиёжларни бўлишидан ва уларни марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан кондирилиши билан асослаш мумкин. Бюджет функцияларига келсак, улар таркибида ижтимоий неъматларни доимо яратилиб туриш ва аҳолига етказилиб беришини молия ресурслари билан таъминлаш ва иқтисодиётни тартиблаш воситаси бўлишини киритиш зарур.

Давлатнинг юридик ва жисмоний шахслар билан молия муносабатлари давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари асосида шаклланди. Бюджетнинг даромадлари ва харажатлари -махсус иқтисодий шакллар бўлиб, уларнинг асосида жамиятда яратилган молиявий ресурсларнинг қайта тақсимланиши юз беради. Демак, марказий ва маҳаллий даражадаги бюджет моҳияти жиҳатидан бюджет даромадлари ва харажатлари кўринишида амал қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг муаммолари, хусусан, собиқ социалистик мамлакатларда давлат имкониятларининг номукамаллиги иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг кўпгина соҳаларида ривожланиш истиқболлари учун жиддий тўсиқ сифатида баҳоланади. Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишда бир неча муҳим мақсадлар кўзланади. Биринчи навбатда, бозор иқтисодиётининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзини ижтимоий ларзалардан ҳимоя қилиш киради.

Давлат ўзининг асосий эътиборини устивор йўналишларга қаратади. Бундай устивор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш;
- таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш;
- транспорт тармоғини қуриш ва унинг ишлашини таъминлаш.

Давлат иқтисодий жараёнларни тартибга солишда ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда чора-тадбирлар кўришда фаол рол ўйнамоғи лозим. Бу ўринда гап давлат жамиятнинг иқтисодий ҳаётига аралашishi керакми ёки аралашмаслиги лозимми деган масала хусусида бораётгани йўқ, гап давлат бу ишни қай тарзда ва қандай маблағлар билан амалга ошириши ҳақида бормоқда.

Бозор муносабатлариги ўтишда маҳаллий бюджетлар ролини ошириш ва молиявий ресурсларни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ёндашувга асос шуки, давлат бюджети даромадларини кўпайтириш ва шакллантиришда асосий ҳиссани маҳаллий бюджетлар қўшади. Иккинчи томондан, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар мажмуида жойларда умумий иқтисодий аҳволни яхшилашга ёрдам берадиган, бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган тадбирлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган ўзаро боғлиқлик сўзлари ифодаланган. Маҳаллий бюджетлар даражасида аҳвол ҳозирги эркин бозор иқтисодиёти талаблари даражасига мос бўлиши учун худди шу қонунда бу нормативларнинг минимал параметрларини белгилаб қўйиш ёки ғарб мамлакатлари амалиётида кўп қўлланиладиган қуйи ва юқори чегаралар вилкасини» белгилаб қўйиш мумкин.

Жойларда маҳаллий хом-ашёларга асосланган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга, мамлакат табиий бойликларини кенг ишлатишга шароит яратади ва валюта маблағларининг тежалишини таъминлайди. Масалан,

Сурхондарё вилоятда 1950 йилдан бошлаб йилига 200 минг тонна кўмир казиб чиқариш қувватига эга бўлган Шарғун кўмир кони фойдаланилаяпти. Йилига 150 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқаришга мўлжалланган брикет фабрикаси ишлаб турибди. Жарқўрғон туманидаги "Хоудак" йод ва бром ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Ҳозирги кунда 2735 метр чуқурликдан 75 градус иссиқликда йод-бром таркибли сув отилиб чиқмоқда. "Ховдак" да йилига 3 тонна йод ва 52 тонна бром моддаси ишлаб чиқариш имконияти борлиги аниқланди. Вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги Какайди массиви (Боботоғ этаклари) дан ҳам йилига 3.5 тоннага яқин йод, 81 тонна бром, Термиз туманидаги Учқизил массивидан 1.4 тонна йод ва 33.4 тонна бром моддасини олиш зонаси мавжуд.

Бойсун кўмир конининг кўмири сифат жиҳатидан металлургия саноатида фойдаланиш мумкинлиги ҳисобга олиниб Бойсунда йирик шахта қурилиши давом этаяпти. Вилоятда бир қанча ғишт заводлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи комбинатлар ҳам ишлаб турибди. Вилоятда бозор иқтисодий тизимларини шакллантириш мақсадида жадал суръатлар билан хусусийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг 2006-йилга мўлжалланган, истиқбол кўрсаткичлари алоҳида корпорация ва уюшмалар олдида турган вазифалар, инвестиция лойиҳалари асосида ишга тушириладиган қувватлар техника билан қайта жиҳозлаш ва ресурслар билан таъминлаш режалари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб даражаси асосида ҳисоблаб чиқилган. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 5.8 фоизга ошиши асосан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тармоқларнинг жадал ривожланиши ҳисобига эришилади.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, енгил саноат)нинг қандай қувват билан ишлаётганликларини чуқурроқ талил қиладиган бўлсак, вилоят маҳаллий бюджетига тушадиган қўшимча даромад манбаларини кўришимиз мумкин. Замонавий чет эл-технологияларини олиб киришдаги имтиёزلарга қўшимча

равишда четдан технологик асбоб-ускуналарни олиб кираётган хўжалик субъектларини божхона божи тўлашдан озод қилиш мўлжалланган. Таклиф этилаётган тадбир йирик ишлаб чиқаришни мамлакатимизда жойлаштириш, маҳаллийлаштириш (локализация) ишларини кенгайтиришни, экспортга йўналтирилган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодий тармоқларни-қайта қуроллантиришни рағбатлантиришга қаратилган.

Иш жойларини яратиш тадбирлари ва меҳнатни қўллаш соҳаларини кенгайтириш натижасида 400 мингга яқин янги иш жойлари яратилди. Янги иш жойларини кенг қўламли бизнес соҳаси қатори кичик ва хусусий бизнес соҳаси ҳамда иқтисодиётнинг нодавлат соҳаларида яратиш кўзда тутилмоқда.

«Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджет даромадларининг тўлдирилишини таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, уларнинг тадбиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда»¹⁸. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркиби даромадларига қараб жуда тез ўзгарувчан бўлиши мумкинлиги кўриниб турибди. Шундан маълум бўладики, мамлакатимизда бюджет жараёни самарадорлиги, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нуқтаи назаридан, биринчи навбатда маҳаллий бюджетлар реал даромадларига боғлиқ. Шу сабабли масаланинг шу жиҳатларига алоҳида эътибор бериш лозим.

¹⁸ Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.Т., Ўзбекистон, 2005. -1026

2.3. Маҳаллий бюджет харажатлари таркибини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўллари

Маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг таркибий қисми бўлиши билан бирга, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудда олиб борадиган фаолиятининг маблағ билан таъминланишини ўз ичига олади. Одатда маҳаллий бюджет давлат бюджетининг ажралмас қисми бўлсада, унинг қзига хос мустақил йўналишга ҳам эга бўлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш долзарб вазифага айланмоқда. Бу борада Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мқлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

2011 йилдан бошлаб ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор. Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган

дастур билан узвий боғлиқдир¹⁹. Ушбу эътирофнинг ижобий ҳал этилиши эса маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунига ккра Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;
- жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- капитал харажатлар шаклида;
- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида²⁰.

Маҳаллий бюджет харажатларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти, таркибий тузилиши ва уларнинг асосий йўналишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Фикримизча, маҳаллий бюджетнинг харажатлари бу маҳаллий ҳокимиятнинг ўз функциялари билан боғлиқ равишда юзага келадиган сарф харажатларни акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар асосида маҳаллий ҳудуд пул маблағлари жамғармасини тақсимлайди.

Бюджет харажатларини ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишига ккра жорий ва капитал бюджет харажатларига ажратилади. Жорий бюджет харажатлари юридик шахсларга қзларини сақлаш ва кундалик эҳтиёжларини

¹⁹ И.А.Каримов. Асосий вазиғамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010.48-бет.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуни, 19-модда.

коплаш учун бериладиган молиявий маблағларни ифодалайди. Бу харажатлар давлат истеъмол учун харажатларни, ҳукуматнинг қуйи ташкилотларига, давлат ва бошқа мулк шаклидаги корхоналарга бериладиган жорий субсидияларни транспорт тўловларини, давлат қарзи бўйича фоизларини тўлаш ва бошқа харажатларни қз ичига олади.

Капитал харажатлар бу асосан капиталга қўйилмалар ва захираларнинг ққпайиши билан боғлиқ пул сарфларини ўзида акс эттиради. Ушбу харажатлар иқтисодиёт тармоқларига бюджет ҳисобидан капитал ққйилмаларни, инвестицияларни ва давлат тасарруфидан ташқаридаги корхоналар ҳамда ҳукуматнинг маҳаллий корхоналарга узоқ муддатли бюджет кредитларини қз ичига олади. Ижтимоий йўналишига ққра бюджет харажатларининг гуруҳланиши давлатнинг бажарадиган иқтисодий, ижтимоий, муҳофаа ва бошқа функцияларини акс эттиради. Бунга мувофиқ, бюджет харажатлари тқрт гуруҳга бқлинади:

- ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш;
- марказлашган инвестиция харажатлари;
- бошқарув харажатларини молиялаштириш;
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари ва бошқалар.

Тармоқларга кўра, бюджет харажатларининг гуруҳланиши иқтисодиётни умумий равишда қабул қилинган тармоқлар ва фаолият турларига бўлинишига асосланган. Шунга кўра, ишлаб чиқариш соҳасига харажатлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича саноатни, қишлоқ ҳқжалигини, капитал қурилишни, транспорт, алоқа, савдо ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга, ноишлаб чиқаришга, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, спорт, вақтли матбуот, давлат бошқаруви ва ҳоказоларга бқлинади.

Харажатларни тармоқлар бўйича бўлиниши бюджет маблағларини тақсимлашда мутаносибликларни аниқлаш ва уларни ўзгартириш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилишида зарур силжишларга

эришиш имконини беради.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда бюджет харажатлари мақсадга кўра ҳам сарфланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида харажатларни қуйидаги йўналишлар бўйича гуруҳларга ажратиб ққлланилади:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;
- иш ҳақидан ажратма;
- озик-овқат харажатлари;
- дори-дармон ва боғловчи воситаларни сотиб олиш харажатлари;
- хизмат сафари харажатлари;
- ўқув харажатлари;
- канцелярия ва хўжалик харажатлари;
- юмшоқ анжомлар ва махсус кийимларни сотиб олиш;
- бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш харажатлари;
- давлат капитал қўйилмалари;
- бошқа харажатлар.

Бюджет харажатларининг муҳим тамойили ҳимояланганлик ҳисобланади. Бу тамойил бюджет харажатларининг маълум моддаларини инфляция натижасида миллий валютани қадрсизланиши ҳисобига кўпайишини инобатта олган ҳолда тўлиқ ҳажмда молиялаштиришни кўзда тутди. Бюджет харажатларининг ҳимояланган моддалар таркибига иш ҳақи, нафақа, стипендия, давлат нафақалари ва аҳолига бошқа тқловлар, овқатланиш учун харажатлар, дори-дармон ва боғловчи воситалар, юмшоқ анжом ва ускуналар сотиб олиш, хўжалик харажатларининг маълум қисми ва бошқа харажат турлари киради.

Бюджет харажатларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини кўрсатиш учун унинг харажатларини 2008-2012 йилларга тегишли бўлган маълумотлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби²¹,
фоизда**

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100	100	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	49,9	51,8	54,8	58,5	58,0	58,9
Иқтисодий харажатлари	11,2	11,5	11,7	11,3	11,5	11,1
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	8,3	7,5	7,8	6,4	6,6	5,4
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	3,0	3,2	3,3	3,7	3,8	4,1
Бошқа харажатлар	27,6	25,9	22,4	20,1	20,1	20,5

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга йўналтирилмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг "... Истиклол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кқпайгани, унинг 60 фоиздан кқпроғи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камданкам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз авваламбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя

²¹ Алманах Ўзбекистон 2013. –Т., 2013. 167 б.

қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради. Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркеклар ўртасида 73 ёшга, аёллар қртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради"²² фикрлари ўринлидир.

2.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари жами харжатларнинг 58-60 фоизини ташкил этмоқда. Иқтисодиёт харажатлари эса 2011 йилда 11,5 фоизни 2012 йилда эса 11,1 фоизни ташкил этди. 2007-2012 йилларда марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун харажатлар 8,3 фоиздан 5,4 фоизгача камайтирилди. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджетдан ташқари инвестицияларининг аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

2012 йилги бюджет сиёсатида таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига бюджет маблағларининг 1,2 фоизи йўналтирилди.

Юқоридаги жадвалда бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатилмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалардан ташкил топган. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин.

²² Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. //Халқ сўзи газетаси.

2.3.2- жадвал

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлар таркиби²³, фоизда

	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Маориф	59,4	58,1	56,5	57,0	57,5	58,0
Соғлиқни сақлаш	22,4	22,0	21,4	21,9	22,9	24,6
Маданият ва спорт	2,6	2,4	2,1	2,0	1,9	1,8
Фан	1,0	0,8	1,0	1,0	1,1	1,1
Ижтимоий таъминот	0,9	0,8	0,8	0,7	0,7	0,7
Болали оилаларга ижтимоий ёрдам	12,3	15,0	17,6	16,7	14,2	13,1

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари таркибидаги таълим харажатлари 2012 йилда жами ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлар харажатларнинг 58,0 фоизини ташкил этди.

2012 йилда ҳам бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 1,25 баробар оширилди.

2.3.3- жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби, фоизда

Кўрсаткичлар	2011	2012
Давлат бюджети харажатлари	100	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	11,5	11,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	3,8	3,5
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар	1,1	0,9
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-	0,8	0,7

²³ Алманах Ўзбекистон 2013. –Т., 2013. 167 б.

2012 йилда Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган харажатлар қишлоқ ва сув хқжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хқжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тқловлари жами харажатларнинг 3,5 фоизни, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар 0,9 фоизни, ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хқжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хқжалкларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар 0,7 фоизни, бошқа харажатлар 5,7 фоизни ташкил этди. Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хқжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжаликларининг барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорининг 2-сонли иловасида Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланган.

Мазкур Қарор асосида Давлат бюджетининг барча даромадлари миқдори 41522,8 млрд. сўмни, шундан Давлат бюджети 25104,9 млрд.сўм ва Давлатнинг мақсадли жамғармалари даромадлари 16417,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Давлат бюджетининг барча харажатлари миқдори 41656,9 млрд. сумни, шундан Давлат бюджети 26312,4 млрд.сўм ва Давлатнинг мақсадли жамғармалари харажатлари 15344,5 млрд. сўмни ташкил этган.

2013 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгиланган²⁴.

Шуни таъкидлаб қтиш керакки, 2004–2010 йиллар оралиғида давлат бюджети тақчиллигининг юқори чегараси Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиз ҳажмда режалаштирилган бўлиб, уни қоплашни молиялаштириш манбаси бюджет йили бошида республика бюджети маблағларининг бқш қолдиқлари ва бошқа ноинфляцион манбалардир.²⁵

Давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион қоплаш манбаларини кенгайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бқш маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси давлат қрта муддатли ғазначилик мажбуриятларини чиқариш тўғрисида” 2004 йил 10 январдаги 11-сон Қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг давлат қрта муддатли ғазначилик мажбуриятларини чиқармоқда.

2005 йилдан бери Ўзбекистон Давлат бюджети профицит билан ижро этилмоқда, унинг ҳажми 2005 йилда ЯИМга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди ва 2012 йилда ЯИМга нисбатан 0,4 фоизгача²⁶ кқтарилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб боришига қарамасдан Ўзбекистон қз вақтида амалга ошираётган Инқирозга қарши чоралар дастури чора-тадбирлари туфайли у 2012 йилда ялпи ички маҳсулоти 8,2% га ўсган, инфляция даражаси 2012 йилда белгиланган чегарадан ошмасдан 7,% ни ташкил этган, Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори. www.lex.uz.


²⁵ ЎЗР ВМнинг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон, 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорлари, ЎЗР Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон, 2006 йилги ПҚ-532-сон, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорларига мувофиқ.

²⁶ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 4-б.

профицит билан ижро этилган оз сонли мамлакатлар қаторидан қрин олди²⁷
(2.3.1-чизма).

2.3.1-чизма.

Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиши даражаси (фоиз ҳисобида)²⁸



Юқорида келтирилган расм асосида айтишимиз мумкинки мамлакатимизда 2005 йилга қадар давлат бюджети дефицит билан бажарилиб келган бўлса 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилиб келмоқда. Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсатини тўлиқ ва аниқ юритилишини таъминлайдиган воситалардан бири солиқ сиёсатини такомиллаштириш жараёнида давлат харажатларини тўлиқ ва қз вақтида молиялаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этишни босқичма-босқич мақбуллаштиришнинг қзига хос йўналишларини ишлаб чиқиш ва аниқлаш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқлигидадир.

Маҳаллий бюджетлар харажатлари борасида ҳали ҳал этилиши лозим бўлган камчиликлар мавжуд. Бу бевосита биринчи навбатда маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятига боғлиқ. Маҳаллий бюджетлар имконияти

²⁷ Ўша манба. 4-б.

²⁸ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тўпланган.

улар зиммасидаги мажбуриятлар ижроси билан боғлиқлиги туфайли молия йили давомида харажат ваколатларининг тақсимланиши тизимидаги ўзгаришларнинг киритилиши маҳаллий бюджетлар тараққиётига салбий таъсир этиб, улар имкониятлари яхшиланишига ғов бўлмоқда. Умумдават дасгуридаги тадбирларни молиялаштиришнинг маҳаллий бюджетлар зиммасига юклаш ва шу билан бирга, уларнинг молиявий таъминотида маҳаллий бюджетлар иштирокини талаб этиш ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этади. Шу боисдан, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар харажатларига қаттиқ бюджет чекловларини қўллаш бир вақтнинг ўзида, солиқ тушумларининг ўсишини ҳам ҳисобга олишни ва етарлича бюджет мустаҳкамлиги ҳамда шароитга мослашувчанликни ҳам талаб этади.

Ўйлаймизки, истиқболда қайд этилган камчиликни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳудудий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, маҳаллий молия ресурсларини шакллантириш ва самарали бошқариш, маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш вазифаларини муваффақиятли бажариш имконини яратади. Бу ўз навбатида, Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилиб келинаётган ҳудудларни ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда кучли бюджет ва солиқ сиёсатини юритиш, маҳаллий бюджетларни етарли молиявий манбалар билан таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларнинг фаолият курсатишининг кучли ҳуқуқий ва назарий асослари яратилган. Уларга кура маҳаллий бюджет даромадлари бириктирилган даромадлардан, умумдават солиқларидан ажратмалар ва юқори бюджетдан бериладиган дотация ва субвенциялардан иборатдир. Ривожланган давлатларда маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шаклланиши бир мунча фарқ қилади. Даромадларнинг шаклланиш механизми ҳар хил давлатларда турлича. Бу давлатда олиб бориладиган бюджет ва солиқ сиёсатига боғлиқ. Бир томондан бу давлатларнинг маъмурий ҳудудий булинишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мамлакат ҳудудида ундириладиган солиқ турларига боғлиқ. Бюджет таркибида солиқларнинг улушлари ҳам турлича. Бизда асосан умумдават солиқлари ҚҚС, даромад ва акциз солиқлари бўлса, масалан АКШ федерал ёки маҳаллий бюджетида мол-мулк солигининг улуши каттадир.

"Бюджет туғрисида"ги қонунга кура маҳаллий бюджетларда такчилликка йул қуйилмайди. Бунинг учун дотация ва субвенциялардан фойдаланилади. Ҳудуднинг даромадлари харажатларидан кам бўлган ҳолатда юқори бюджетдан дотация берилади. Бунда албатта ҳудуднинг солиқ имкониятлари тугри белгилаш муҳим.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида молиявий муносабатларни ва шу жумладан, корхона, ташкилот ҳамда фуқароларнинг давлат билан солиқлар бўйича муносабатларини такомиллаштириш ўта муҳим ва мураккаб муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётимизни ҳозирги шароитидан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсатимизни ва солиқ қонунчилигимизнинг такомиллаштиришни муҳим характерли томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида ва керакли миқдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли былган тушумни таъминлаш.

Иккинчидан, аҳолини биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш.

Учинчидан, ишбилармонлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт шароитлар яратиб бериш, бундан ташқари иқтисодиётдаги жиддий масалалар билан бир каторда, юқорида таъкидлаб ўтилган жараёнларни солиқ назорати ёрдамида бошқариб туриш зарурияти пайдо бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадларини кенгайтириш, маҳаллий бюджетларга етарли солиқ ва йиғимларни туширишда бир катор ислохотлар амалга оширилмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни тақлиф сифатида бериш мумкин:

1. Тўлиқ қувват билан фаолият юритмаётган хўжалик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш ва моддий соғломлаштириш;
2. Экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай инвестицион муҳитни яратиш;
4. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш;
5. Маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ижросини таъминлаш бўйича жавобгарлигини ошириш ва шу билан бир каторда уларни уз ҳуқуқларидан тулик фойдаланишини ва мустақиллигини таъминлаш;
6. Дотациялар ҳажмини аниқлашда ва маҳаллий бюджет даромадларини режалаштиришда ҳудудларнинг солиқларни йиғиш имкониятини (салоҳиятини) тулик урганилган ҳолда тугри белгилаш;

7. Худудларда кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаш тармогини ривожлантириш. Бу билан худуднинг солик базаси кенгаяди, кушимча иш уринлари яратилади, аҳолининг даромадлари ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент.: Адолат, 1996. 263 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюжети ғазна ижроси. Меъёрий меъёрий ҳужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 й. 51-сон.
7. «Соғлом бола йили» Давлат дастури.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ–1446-сон қарорига мувофиқ “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги Дастури

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2012 йил 21 майдаги ПҚ–1758-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада исоҳ қилиш ва барқарорлигини

ошириш ҳамда, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноати ривожланишининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод турмуш йили Давлат Дастури тўғрисида”ги 2013 йил 14 февральдаги ПҚ-1920-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили Давлат Дастури тўғрисида”ги 2014 йил 19 февральдаги ПҚ-2133-сон Қарори.
8. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон Қарори «Кам таъминланган oilаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва нутқлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш - йўлида. - Т.: "Ўзбекистон", 1995. - 269 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Тошкент, «Ўзбекистон», 1996. 143 б.
4. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. / Халқ сўзи. 12.02.2008.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 54 б.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 71 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 бет.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон. 2011. – 48 б.
9. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". –Т.: Ўзбекистон, 2011. 418 бет.
10. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.
11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 64 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / Халқ сўзи. 07.12.2013.
13. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.

IV. Илмий монографиялар, дарслик, ўқув қўлланмалар диссертация авторефератлари

1. Ржаницына А.С. Даходы: уровень, дифференциация, гарантии. – М.: Профиздат, 1991. С.34–38
2. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. –М.: Дело ЛТД, 1995. – 829 с.
3. Экономика / Под. ред. А.С.Булатова. – М.: Век, 1997.– С.53.
4. Рынок труда и социальное партнерство. /Ю.Т.Одегов, Руденко Г.П., Митрофанов Н.Т. – М.: Хронограф, 1998-С.239.
5. Базылева Н.И. Экономическая теория. – Минск: БГЭУ, 1998.–С.44.
6. Рофе А.Н., Жуков А.Л. Теоретические основы экономики и социологии труда. – М.: МИК, 1999.– С.45.
7. Абакумова Н.Н., Подовалова Р.Я. Политика доходов и заработной платы. – М.: Инфра-М, 1999.–С.114.
8. Ваҳобов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. –Т.: Молия, 2002. – 336 б.
9. Хошимов П.З. Экономика социальной сферы. – Т : Университет, 2002. – 210 с.
10. Ваҳабов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003.-319 б.
11. Абдурахмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш /Ўқув. қўл. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси

- нашриёти, ТДИУ, 2004.-159 б.;
12. Абдурахмонов Ҳ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёти). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Меҳнат, 2004.– 610 б.
 13. Алиева М.Т, Умаржонов А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик. –Т., «Молия». 2005. 339 бет.
 14. Бекмуродов А., Болтабоев М., Гойибназаров Б., Амонбоев М., Тошхўжаев М. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. Т.: ТДИУ, 2005. -60 б.
 15. Саидов К.С., Сейтмуратов Р.А., Асланова Д.Х., Исҳоқова С.А. Социал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -365 б.
 16. Зубаревич Н.В. Социальное развитие регионов России: проблемк и тенденции переходного периода. — 3-е изд. - М.: Издательство ЛКИ, 2007.
 17. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Молия. 2007. 275 б.
 18. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2007 – 250 бет.
 19. Кукушина В.С. Социальная защита населения. Учебное пособие. –М.: ИНФРАМ, 2007. -321 стр.
 20. Каланов Б.З., Каланова М.З., Мухамеджонова Г.Я “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” Услубий қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2008. -160 бет.
 21. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. – 212 б.
 22. Abdurahmonov Қ.Х., Abduramanov Х.Х., Qurboniyozov I.R. Aholini ijtimoiy muhofaza qilish. O`quv qo`llanma. -Т.: TDIU, 2010. – 268 bet.
 23. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. –Т.: Академия, 2010. -216 б.
 24. Срожиддинова З.Х. Бюджетная система Республики Узбекистан. – Т., 2010. –480 с.

25. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики / под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова. –Т.: «Молия», 2011, -300с.
26. Человеческое развитие: учебник / Коллектив авторов. – 2-е издание. –Т.: УМЕТ, ПРООН, 2011. – 656 с.
27. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари. –Т.: “Akademiya”, 2012. -455-б.
28. Улашов Б.С. Конкурентная политика в Узбекистане: Монография. Отв.ред. А.В.Вахабов. –Т.: Фан, 2012. – 408.
29. Закирова Н. Совершенствование системы социальной защиты населения в условиях социально-ориентированной рыночной экономики (на примере семей РУз) автореферат диссертации. – Т.: 2001.- 8 с.;
30. Мирзаев Ш.А. «Пути усиления адресности социальной защиты населения в условиях переходной экономики» (на материалах Узбекистана) // автореферат дис. , Ташкент–2006.–С. 8.

V. Журнал ва жорий даврий материаллар

1. Саидова Г. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижение и проблемы //Экономическое обозрение, 1998, №1.-15 с.
2. Медушевский А.Н. Демократия и свобода личности: Пушкин и Токвиль // Россия и мировая цивилизация. М., 2000. с
3. Рахимова Д. Давлат томонидан кучли ижтимоий имоя тадбирлари қўлланиши//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, №3. –Б. 40.
4. Раҳимова Д. Давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя тадбирлари қўлланиши //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, №3.-40 б.
5. Хакимова М. и др. Микрокредитование: перспективы развития в Узбекистане.//Экономическое обозрение, 2001, №2.–С. 5.
6. Хакимова М., Гулямов Р., Мурадова З. Микрокредитование: перспективы развития в Узбекистане. //Экономическое обозрение, 2001, №2. - 4 с.

7. Аллахвердиева Л. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш //Бозор, пул ва кредит, 2001, №10. –Б. 9.
8. Закирова Н. Ўзбекистонда ҳам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш //Бозор, пул ва кредит, 2001, №7. 8 б.
9. Ялгашев У. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибини оптималлаштириш масалалари. // Биржа эксперт №5, 2011. 54-15 б.
- 10.Ялгашев У. Маҳаллий бюджет харажатлари самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. // Иқтисодиёт ва таълим. №2 2012. 111-114 б.

VI.Статистик тўпламлар

1. Europäische Kommission. Soziale Sicherheit in Europa. Luxemburg, 1995. –Р. 48.
2. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. – Т., 1999.–Б. 10.
3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. 22 б.
4. Узбекистан в цифрах 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
5. Торговля в Узбекистане 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
6. Транспорт и связь в Узбекистане 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
7. Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
8. Промышленность Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
9. Сельское хозяйство Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.

10. Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2012. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2012. – 148 с.
11. Население Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013. – 117 с.
12. Финансы Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2013. С. 132.
13. Банк-молия тизимини янада ривожлантириш орқали инвестицией фаолликни кенгайтиришнинг истикболли йўналишлари"га бағншланган магнетрантларнинг XIV анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 318 бет.
14. Альманах Ўзбекистан 2013. – Т., 2013. 167 б.

VII. Интернет сайтлари

1. <http://www.mf.uz>
2. <http://www.stat.uz>
3. www.wordbank.org
4. <http://www.ved.gov.ru/articles>
5. http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2347400